Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 5 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

№ 66 (5662).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ТАРАДДУДИ

ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК

Зарбдор районидаги Улуғбек номли 5-ўрта мактабда жорий таъмир тугалланди. 16 та синф хонаси, ёрдамчи хоналар, парта, доска, стол, курси ва бошқа анжомлар янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Андижон давлат хўжалиги маъмурияти таъмирлаш ишларига 11 минг сўм пул маблағи ажратди.

С. ҚОЗОҚОВ.
Жиззах вилояти.

●

Пойтуғ шаҳридаги А. Навоий номли 1-ўрта мактаб жамоаси илм маскани таъмирини ҳашар йўли билан амалга оширди. Бунда мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар, хизматчилар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар. Бироқ, билим даргоҳининг зилзиладан зарар кўрган қисмини таъмирдан чиқаришни ўз зиммасига олган вилоятдаги 1-қурилиш трести «бунёдкорлари» илм маскани яқинига йўлашни ҳам ўзларига эп кўрмадилар.

Б. МАВЛОНОВ.
Андижон вилояти.

●

Қарши шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли мактабларда 1992—93 ўқув йилига тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Шаҳардаги жами 38 та мактабнинг деярли барчаси жорий ҳамда ялпи таъмирдан чиқарилди. Қурилиш материалларри бир неча баравар қимматлашиб кетган ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитига қарамай, илм масканларини таъмирлаш ишларида шаҳардаги 4-йўл қурилиши бошқармаси, сут комбинати, «Каршистройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси, дренаж қувурлар заводи каби оталиқ ташкилотлари ҳамда мактабларнинг ота-оналар қўмиталари катта мадад бердилар.

Э. ШОИҚУЛОВ.
Қашқадарё вилояти.

●

Уйчи районидаги 36-ўрта мактаб жамоаси 1991—92 ўқув йилида ажойиб ташаббусни ўртага ташлади. Жамоа келгусида мавжуд синф хоналари ва ўқув жиҳозларини таъмирламай, улардан сифатли фойдаланишга қарор қилган эди. Улар ўз ваъдаларининг устидан чиқдилар. Фақат билим даргоҳининг айрим жойларидагина жузъий таъмирлаш ишлари олиб борилди.

М. ҚОДИРОВ.
Наманган вилояти.

Етилган муаммолар ҳақида мактублар

МУСТАҚИЛЛИК ВА МАКТАБ

Республикамизнинг мустақиллиги бугунги кунда умумтаълим мактаблари олдига билимли, қобилиятли ёшларни тайёрлаб чиқаришдек муҳим вазифаларни қўймоқда. Энг муҳими, мустақиллик шароитида мактабларимизни миллийлаштиришдек долзарб вазифа кўндаланг бўлиб турибди. Бу борада олимлар, мутахассислар жуда кўплаб фикрлар ҳам билдиришмоқда. Уларнинг аксарияти миллий мактаб тизимини тўғри тушунган ҳолда илмий, ҳаётий таклифлар ҳам бермоқдалар. Чунончи, улар «миллий мактаб бу бошқа жаҳон тарихи, маданияти, санъати, адабиёти ва уларнинг бой меросидан ажратиб ўқитиш деган маънони билдирмайди»,— деб жуда тўғри фикр билдирмоқдалар. Тўғри, биз ўтган давр мобайнида бошқа халқлар тарихи, маданияти, адабиётини кенгроқ ўрганишга ҳаракат қилдик, аммо ўз миллатимизнинг ушбу томонларини чуқурроқ била олмадик. Бугунги кун эса кўпроқ эътиборни ўзимизга қаратиб, жаҳон халқларининг ушбу томонларини ҳам қисман бўлса-да, ўрганишни талаб этади. Миллатимиз вакилларининг жаҳон миқёсига чиқа бошлаши ҳам бу фикрларнинг ҳаётийлигини тасдиқлайди.

«Бугунги кунда имкон яратилди, ўзимизни ҳақиқий эски мактабларга қайтиш керак», деган фикрни олимлар илгари сурмоқдалар. Бугунги кунда эски мактаблардаги бир иккита ўқитилган фанлар билан етук авлод яратиб бўлмайди. Лекин ўша эски мактабнинг таълим-тарбия соҳасидаги ижобий томонларидан фойдаланган ҳолда янги миллий мактаб яратиш мақсадга мувофиқдир.

Хўш, мустақиллик янгиланган миллий мактабларни яратишни талаб қилаётган экан бунда нималарга эътиборни қаратмоқ керак? Бизнингча, биринчидан, дарслик ва қўлланмалар янгиланиши лозим. Бунинг учун дарслик ва қўлланма яратишни фақат педагогика илмий-текшириш институтлари ходимларига ишониб топширмаслик керак. Иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволда бўлсак ҳам республика миқёсида ҳар бир фан бўйича илмий-текшириш институтлари, педагогика олий ўқув юртлари, мактабларнинг ижодкор, билимли, маҳоратли ўқитувчиларидан иборат муаллифлар жамоасини тузмоқ керак. Уларни ишдан озод қилиб, маълум муддат бериб, фақат шу ишни талаб қилиш зарур.

Назаримизда, бу ишга кўпроқ илмий муассасалар ва олий ўқув юртларидан ёш олимлар, мактабларнинг тажрибакор ўқитувчилари таклиф этилса, яхши бўлар эди. Чунки уларнинг қалами ҳали эски тизимда илмий ишлар ёзишга унча ўрганмаган.

Агар эътибор берсангиз, айрим олимлар томонидан кейинги 2—3 йилда шошилинч равишда дарсликлар ёзилиб, эълон қилинди. Яна ўша эски тизим нафаси бу дарсликларда ҳам сезилиб турибди. Шу сабабли, мустақил шароитда ўзини, ўз обрўсини, иқтисодини ўйлаб таниш-билишчилик билан шошилинч дарслик ва қўлланмалар яратишга чек қўйиш керак. Пул кетса ҳам, вақт кетса ҳам пойдевори пишиқ миллийлаштирилган дарсликлар яратиш лозим.

Иккинчидан, миллий мактаб ўқитувчиси муаммоларини ҳал этиш зарур. Бунинг учун педагогика олий ва ўрта махсус ўқув юртларини ҳамда малака ошириш институтлари ва курсларини миллийлаштириш талаб этилади.

Миллийлаштирилган дарсликларсиз миллий мактаб бўлмаганидек, миллийлашган ўқитувчиларсиз миллий мактаб ҳам бўлмайди. Бугунгача бирон-бир педагогика олий ўқув юрти ёки техникум, малака ошириш институти ёки курслари бу борада ўзгариш ясаганича йўқ. Кеч бўлса ҳам тез орада миллий мактаб ўқитувчисини тайёрлашга киришилмаса, мактабларимиз мустақиллигимизга мос тушмасдан, яна зўрма-зўракилик билан юраверамиз.

Миллий мактаб ўқитувчиси деганда кўплар ўйлаганидек муаллимнинг миллий кийиниб дарс ўтишини тушунмаслик керак. Энг муҳими, педагогнинг ички дунёси, онги, билими, касб маҳорати миллийлашган бўлиши лозим. Тўғрисини айтиш керак, шу кунгача давом этганидек, билимсиз ўқитувчилар, ўз устида ишламайдиган, зўрма-зўраки, бир амаллаб дарс соатини турли йўллар билан ўтказадиган, қишлоқда, ўқувчилар кўз ўнгида обрўсизланиб қолган ўқитувчилар (минг афсуски, ҳали ҳам улар талайгина) ўз фаолиятини давом эттираверсалар, янгиланган миллий мактаб ҳақида сўз юритишнинг ўзи фойдасиздир.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда малака ошириш институтларидаги таълим-тарбиявий ишларни ҳам биринчи навбатда мустақиллик талабларидан келиб чиқиб қайта қуриш керак. Бунда, аввало, институт ва техникумлардаги ноҳуш иллатларни йўқотиш асосий вазифалардан бўлмоғи лозим. Яширишнинг ҳожати йўқ, бугунги куннинг ўзида талабалар айрим ўқитувчилар устидан шикоят қилишмоқда. Айрим билимсизларнинг кафедраларга ўрнашиб олганлиги, мустақиллик шароитида мактаблар учун ўқитувчи етиштириш ишига тўсқинлик қилаверади. Бир нарсани унутмаслик керак: талабаларга билимсиз ўқитувчи дарс берса ёшлар ундан бирор янгилик ололмаса, бунинг устига синов ва имтиҳонда қатъиятсизлик қилса, таниш-билишчилик эвазига амалий дарсларда қатнашмай, тайёргарлик кўрмай, доимо ёмон ёки ўрта баҳода ўқиб юрган талабага «яхши» ёки «аъло» баҳо қўйиб берса ёки сиртқи бўлим талабалари синов ва имтиҳонлардан фақат пул билан ўтиб борса, унда шу институтни бир амаллаб тугатган «ўқитувчи» қандай қилиб янгиланган миллий мактаб муаллими бўлиши мумкин?! Бундай ҳолатларни ҳар қадамда кўриб турган, аъло баҳолар билан мактабни битириб келган, институтда ҳам аъло ўқишга ҳаракат қилаётган, ўқитувчиликка ҳавас қўйиб, шу институтга кирган талабанинг ҳолати қандай бўлиши мумкин? Агар бу ҳолат давом этаверса, ўша аълочи талаба ҳам 1—2 йилда худди бошқа талабалар қаторига қўшилиши табиий ҳол-ку!

Республикамиздаги кўплаб ўқитувчиларнинг билим ва малакаси давр талабига жавоб бера олмаётганлиги ҳам сир эмас. Шунинг учун зудлик билан малака ошириш тизимларини янгиланган миллий мактабларга мослаш керак. Энг муҳими, ўқитувчининг обрўйи ва мавқеини тикламоқ ва уни яна юқорироқ кўтармоқ зарур. Айримлар кейинги пайтларда «ҳукумат фақат ўқитувчиларга ён босаяпти», фақат уларнинг турмуш тарзини яхшилашга ҳаракат қилаяпти», деб хулоса қилмоқдалар. Аслида эса бизда энг ночор аҳволдаги табақа ўқитувчилар бўлганлиги учун ҳам эътибор уларга қаратилди. Зотан, ўқитувчи ўзига тўқ, рўзғори бут бўлса, у бошқа бойлик орттириш (мол боқиб сотиш, ер олиб, экин экиб бойиш) тўғрисида ўйламасдан фақат ёш авлодга таълим-тарбия беришдек ўз вазифаси билан шуғулланади. Шундагина у ўз устида ишлайди, ижодий изланади, ўз вақтида малакасини оширади.

Мустақиллик шароитида мактаб ўзининг яна янгидан-янги муаммоларини ҳам кескин қилиб қўймоқда. Булар қизлар ва ўғил болаларни ажратиб ўқитиш, ўқувчиларни табақалаштириш, қамма учун ўрта маълумот олишнинг шарт ёки шарт эмаслиги, мактабни миллийлаштириш сабабли диний сабоқ бериш, таълим-тарбияда эркак ва аёл ўқитувчиларнинг ўрни каби муаммолардир.

Биз ҳақиқий миллий мактабимизни яратиш учун курашар эканмиз, ҳеч бўлмаганда 9-синфдан бошлаб ўғил ва қиз болаларимизни алоҳида ўқитишимиз зарур. Бундай қилинса, айрим олимлар, ўқитувчилар таъкидлаганидек, фақатгина тарбия учун ёрдам бериб қолинмасдан, билим олишда ҳам катта аҳамият касб этади. Бугунги кунда жумҳуриятимизнинг турли жойларида ташкил этилаётган бундай мактабларнинг оз бўлса ҳам тажрибаси ҳамда шу мактаблардаги ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам бу усулнинг фойдалилигини тасдиқламоқда.

Умумтаълим мактаблари ишини такомиллаштириш соҳасидаги бир неча йиллик илмий изланиш шуни кўрсатмоқдаки, бирон янгилик қилиш ва бу янгиликни ҳаётга тадбиқ этиш учун шошма-шошарлик билан иш қилмаслигимиз лозим. Кейинги пайтларда ўқувчиларни табақалаштириш баҳонаси билан мактабларда ўқувчиларни ажратиш, имкон борича яхши ва аъло ўқийдиган ўқувчиларни мактабга олиб қолиб, қолганларидан, ҳатто ўртача ўқийдиган ўқувчилардан ҳам қутулиш учун бўлган ҳаракатлар авж олаётганлиги сир эмас. Бундай шошма-шошарлик ўсмирлар орасида жиноятчиликнинг кўпайиб, кенгайиб боришидан бўлак ҳеч нарсага олиб келмаётганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Хўш, табақалаштириш оқибатида ўқишни давом эттиришдан маҳрум бўлган ўсмир нима билан шуғулланиши мумкин? Очиғини тан олиш керак, оилада яхши тарбия олаётган ва шу тарбияга қўшимча мактабдан ҳам ўқитувчилар томонидан чуқур билим, тарбия олиб, муомала маданиятини ўзлаштираётган ўқувчи доимо яхши ўқишга ва ахлоқли бўлишга интилади. Хўш, оилада ҳам, мактабда ҳам бундай таълим-тарбияни кўришга, олишга муяссар бўла олмаган бола нима қилмоғи керак? Мактабда бундайларни «тарбияси оғир», «саводсиз» ёки «одам бўлмайдиган» деб аташади. Мана шундай болаларни ўқишни давом эттиришдан маҳрум этдик, дейлик. Хўш, нима бўлади? У ҳали ишга кириб ишлаш ва фойда келтириш ҳақида ўйламайди. Худди шу пайтгача ҳам у енгил-елпи яшаш шамолидан баҳраманд бўлган. Мана шу баҳрамандлик уни ўзига ром этиши аниқ. Мактаб чиқариб ташлаган бола (агар оилада доимий назорат бўлмаса) ҳеч қачон тўғри йўлни танлай олмайди, жиноятчилик кўчасига кириб боради.

Фикримизча, бу борада шошма-шошарликка йўл қўймасдан, бундай болаларни мактаб қучоғидан маҳрум этмаслик лозим. Тўғри, айримлар «бекорга пул сарфлаб, уларни ўқитгандан фойда йўқ», «уларни ҳунар-техника билим юртларига жўнатиш лозим»,— дейишлари мумкин. Биринчидан, давлат таълим-тарбия учун қанча маблағ сарфласа, шунчалик у бой ва бадавлат бўлади. Иккинчидан, бизнинг мустақиллигимизнинг ҳам, жамиятимизнинг ҳам келажаги шу ёшлар тақдири билан боғлиқдир.

Бизнингча, таълим-тарбия учун маблағ сарфлашдан қўрқмаслигимиз лозим. 9-синфдан сўнг аъло ва яхши ўқийдиган ўқувчиларга 10-синфда ўқишни давом эттириш ҳуқуқини бериш ва қолган ўқувчиларни мактаб тарбиясидан маҳрум этмасдан, шу мактаб қучоғида яна 2 йил сақламоқ лозим. Қандай қилиб? Бунинг учун мактабда касб-ҳунар ўргатувчи синфлар ташкил этмоқ керак. (Кўпгина ёшларни билим юрти борасидаги салбий тасаввурини инобатга олган ҳолда). Шу касб-ҳунарга мос тўгараклар ишини жонлантирмоқ лозим. Нега деганда, мактабнинг ҳар бир ўқитувчиси мактабда юрган ҳар бир ўқувчини доимо тарбияли бўлишга ундайди. (Ҳатто у ўша ўқувчига дарс бермаган бўлса ҳам). Бундан ташқари, ҳар қандай бола мактабни «тарбия ўчоғи» деб тасаввур этади. Шу сабабли ҳам уни мактаб ҳавосидан маҳрум этмасдан, шу жойда унда касб-ҳунарга ҳавас уйғотмоқ керак.

Таълим-тарбиядаги яна бир муаммо мактабда хотин-қиз ўқитувчиларнинг кўплиги-ю, эркак ўқитувчиларнинг камлиги туфайли ўқувчилар тарбиясида ўзгариш кам сезилмоқда», деб тўғри бонг уришаётир. Бунга биз ҳам қўшилган ҳолда масаланинг яна бир томонига тўхталмоқчимиз. Аёл ўқитувчиларимизнинг иш фаолияти давомида ҳамиладорлик таътилига чиқиб кетиши, фарзандларининг бетоб бўлиши муносабати билан тез-тез ишдан қолиши ва ҳоказолар таълимда ҳам, тарбияда ҳам доимийлик, давомийлик ва қатъиятлиликнинг бузилишига олиб келади. Биринчи навбатда таълим беришда услубиёт бузилади. Шу билан бирга эркак ўқитувчиларнинг талабчанлиги, қатъиятлилиги бугунги миллий тарбиямиз учун жуда асқотмоқда. Бу ўринда таклиф шуки, аёл ўқитувчиларимизнинг дарс соатларини қисқартирган ҳолда, бола тарбияси учун имкон яратиб берган ҳолда (яна халқ маорифи учун маблағни аямасдан), уларни ўртача маошларини сақлаган ҳолда, улардан кўпроқ бошланғич, 5—6-синфларда, тўгарак, куни узайтирилган гуруҳларда фойдаланмоқ лозим. (Мен бу мулоҳазаларимни билимли, ўз маҳоратини тинмай ошириб, изланадиган, бутун ҳаётини ўқувчиларга таълим-тарбия беришдек вазифага бағишлаган опа-сингилларимизни назарда тутмаган ҳолда айтаяпман. Чунки мактабларимизда эркак ўқитувчиларимиздан ўтадиган опа-сингилларимиз кўп топилади).

Умуман, мустақил Ўзбекистоннинг халқ таълимини ривожлантириш муаммолари кўп. Ўйлаймизки, Республика Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси қабул қилган Таълим тўғрисидаги қонун таълим-тарбия тизимининг барча жабҳаларидаги муаммоларни ҳал қилишга яшил йўл очади, янгиланган миллий мактабни яратишдек шарафли вазифани бажаришда депсинишлар тугалланиб, жадаллик авж олади. Зотан, давримизнинг, мустақилликнинг талаби ҳам ана шу!

Қўлдош ЭРГАШЕВ,
Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти доценти, тарих фанлари номзоди.

ҚАБУЛ ДАВОМ ЭТАЯПТИ

Тошкентдаги 42-ҳунар-техника билим юртида янги ўқувчиларни қабул қилиш қизғин давом этаяпти. Директор Мирза Эшонқулов айтишича қараганда, қабул қилиш даражаси 90 фоизга ошган. Илгари бундай натижага эришилмаганди.

Билим юртига абитуриентлар қабул қилиш билан айни бир вақтда фан кабинетлари, устахоналар, хўжалик бинолари таъмирланмоқда. Шу кунгача кўпгина кабинетлар янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Таъмирлаш ишлари билим юрти жамоаси маблағи ҳисобига амалга оширилмоқда. Бу ишда ўқувчилар ўз устозларига ёрдам кўрсатишмоқда.

Суратқаш А. БАЖАНОВ.





МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

„Маърифат" га

1993 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БОШЛАНДИ

ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА, ИШ ВА ЎҚИШ ЖОЙЛАРИДА ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МИННАТДОРМИЗ

Шаҳрисабз ноҳиясида Йўлдош Охунбобоев номли хушманзара, ажойиб бир оромгоҳ бор. Унинг ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Аммо қисқа фурсатда бу дилрабо гўша болакайларнинг севимли масканига айлантирилди. Оромгоҳга тажрибали педагог Ўктам Эргашев бош-қош бўлиб келяпти.

Фарзандларимизнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун бу ерда ўйингоҳлар, стадион, кутубхона, бассейн, санъат кошонаси бунёд этилган.

Оромгоҳда дам олаётган болаларнинг кўпчилиги ўғил болалар. Шунинг учун ҳам жисмоний тарбиядан машқ ва мусобақалар, болакайларга хуш ёқади. Бу борада жисмоний тарбия етакчилари Асқар Зокиров, Дилшод Пўлатовлар жонбозлик кўрсатиб ишлашмоқда. Шунингдек, Ўктам Муҳиддинов, Муҳаббат Мирзаева, Ойдин Раҳмонова, Марзия Жумаева сингари педагог ва тарбиячиларнинг ҳам қилаётган ишлари таҳсинга лойиқдир.

Фарзандларимизни кўз қорачиғидек асраб, ёзги дам олишларини таъминлаётган фидойи бу кишиларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Бир гуруҳ қамашилик ота-оналар номидан
О. ҲАСАНОВА,
Ҳамид Олимжон номли мактаб ўқитувчиси.

ТАДБИРЛАР КЎРИЛМОҚДА

Болалар кийим-кечакларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Кичкинтойлар дидига ва бўй-бастига мос келадиган либосларни кўплаб чиқаришда бичиқчилар ҳам ўз ишларига масъулият билан ёндашиб, қатор ўзига хос модаларни ижод қилишга эришмоқдалар.

Бундай мураккаб меҳнат жараёнининг муваффақиятини таъминлашга Ўзбекистон болалар жамғармаси, унга қарашли кичик корхоналар ҳам муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. «Нафис» кичик корхонаси, «Чинор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси моделёрларининг изланишлари, айниқса, диққатга сазовордир.

Ана шу илғор тажриба асосида болалар модалар театрини очиш тадбирлари кўрилмоқда. Бу ижодий томошалар орқали ўғил-қизларда ахлоқий-эстетик ва нафосат тарбиясини ўстиришга эриша борилади. Театр энг яхши кийим-кечак учун тайёрланган модалар асосида кўргазма томошаларни намойиш қилиб боради.

А. АЛИЕВ.

Ўзбекистон—Ватаним менинг!

МУСТАҚИЛ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Йўлчибой АБДУЛЛАЕВ: «БИР ЮЗ ЎТТИЗ ЙИЛЛИК МУСТАБИДЛИК ЎЗБЕК ХОНАДОНИДА ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНД ЎРТАСИДАГИ «ҚОМИЛ ИНСОН» ФАЗИЛАТЛАРИНИ ОЕҚ ОСТИ ҚИЛДИ».

Мусоҳабадошимиз — Йўлчибой Абдуллаев Тошкент шаҳридаги Лутфий номли 254-ўрта мактаб директори, олий тоифали ўқитувчи, собиқ иттифоқ маорифи ва Ўзбекистон халқ таълими аълочиси. Ижодкор педагогнинг илм масканларида ўқув-тарбия жараёнини миллийлаштириш, инсонпарварлаштириш ва демократиялаш, педагогик кенгашлар фаолиятини жонлантириш, ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш каби илғор тажрибалари жумҳуриятимиз ўқитувчилари томонидан яхши кутиб олинган. Шунингдек, унинг тил ҳақидаги Қонунни амалга ошириш йўлидаги изланишлари ҳам эътиборга молик. Домла билан мулоқотимиз таълим-тарбия, мустақиллик, она тилимизга бўлган муносабат масалалари хусусида борди.

— Йўлчибой ака, сиз тўғрингизда гап кетгудек бўлса, «Тиниб-тинчимас раҳбар», «Ўқитувчилар сулоласи саркори» дейишади. Ўшбу ибораларни ўзингиз қандай баҳолаган бўлардингиз?

— Аслида ҳар бир инсон ўзини-ўзи баҳолаши қийин. Тўғри, сиз айтган гаплар баъзан менинг ҳам қулоғимга чалилиниб қолади. Очиғини айтганда, тиниб-тинчимаслик менга ёшлигимдан одат. Ота-онам доим шундай таъкидлардилар: «Эрта турсанг, яратганнинг ўзи бахт берар, давлатингни нақд берар». Демакки, саҳарда уйғонган инсон, албатта, бирон-бир юмуш билан машғул бўлади, уни охиригача етказишга ҳаракат қилади. Ота-онамнинг шунга ўхшаш ўгитлари мактабда ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бериб, улар қалбида эзгулик уруғларини ундирган кезларимда, раҳбарлик фаолиятимдаги нозик паллаларда жуда асқотди.

Таъбир жоиз бўлса, раҳбарлик ишини осмондаги камалакка қиёслаш мумкин. Унда нур бор, одамларни сеҳрловчи жоду (яхши маънода) бор. Қиёслашимнинг яна бир томони — раҳбар, энг аввало, юриш-туриши, одоби, ҳақиқатгўйлиги, хушмуомалалиги, ташаббускорлиги, иқтисодий, маънавий, сиёсий жиҳатдан билимдонлиги «Бугунги ишни эртага қўйма!» нақлига тўла амал қила билиш санъатига эгалиги каби қатор жиҳатлари билан барчага ўрнак бўлмоғи лозим. Чунки, ундан бошқалар андоза олади.

Шу ўринда ўзимни камчиликлардан ҳоли инсон, деб айтаётганим йўқ. Мен фақат раҳбарларнинг баъзи хислат ва фазилатларини санаб ўтдим, холос. Унинг одамийлигини, қилган меҳнатларини эса олий ҳакам — халқ баҳолайди.

Энди сулоламиз хусусида икки оғиз сўз. От изини той босар, деганларидек, фарзандларим ҳам изимдан боришяпти. Уларнинг машаққатли, аммо шарафли касб нонини муқаддас, деб билаётганларидан суюнаман. Ахир, оталар йўли — фарзандлар камолоти, деб бежиз айтмаганлар-ку!

— Фикримизча, кўпчилик ота-оналар камоли тушунчасини яхши англамаётганга ўхшайдилар. Шу ўринда улар «Тарбия ҳам гўё уруғ» нақлини эсда тутган ҳолда бола тарбиясига ўта зийраклик билан ёндошсалар, нур устига нур бўлмасмикин?

— Донишмандларимиз бола тарбиясини она қорнидагилигидаёқ бошлаш лозимлигини таъкидлаганлар. Назаримда, бундан анча илгарироқ тарбия заминини вужудга келтириш даркор. Ҳали халқ тарбияшунослигининг ўрганилмаган, тадқиқ этилмаган жиҳатлари жуда кўп. Масалан, қадимда келин қайдан, куёв қайдан, деб суриштиришган. Унинг келиб чиқишига, насл-насабига алоҳида эътибор билан қараганлар. Бундан шундай хулосага келиш мумкин: фарзанд камоли ҳақида келин-куёв эмас, балки уларнинг ота-она (бобо-буви)лари қайғуришган. Ана ўша тамойиллар тадоригидан кейингина ота-оналар ўз фарзанди, жигаргўшаси парваришига зийраклик билан ёндошсалар жуда тўғри бўлади. Бу ўринда, албатта, тинч-тотув яшаш мезони катта аҳамият касб этади. Улар ушбу удумларни келажак авлодларга мерос сифатида етказмоқлари зарур.

— Удум, анъаналаримизни асраш ва уларни авлодларга етказиш яхши фазилат. Бироқ ҳаётимизда бу таомилга амал қилишнинг айрим салбий жиҳатлари ҳам пайдо бўлаётир. Масалан, бобо, момоларимизга — кексаларимизга ҳурматсизлик. Баъзи бир ёш оилалар уларсиз, алоҳида мустақил турмуш кечиришни афзал билишади. Шу хусусда ўз мулоҳазаларингизни айтсангиз.

— Бир юз ўттиз йиллик мустабидлик ўзбек хонадонида ота-она ва фарзанд ўртасидаги «комил инсон» фазилатларини оёқ ости қилди. Ўша йилларда Ўзбекистоннинг катта-катта шаҳарларида оврупоча оилавий турмуш тарзи ҳукмронлик қила бошлади. Натижада ўзбекона урф-одатлар ҳаётдан четлашиб борди. Сир эмас, овруполиклар «мустақил» равишда оила бошқаришни қўмсаб қоладилар. Бу «услуб» ёш ўзбек оилаларига салбий таъсир кўрсатди.

Ҳаттоки, турғунлик йилларида мактабларда ота-оналар мажлисига чеккадан маърузачи таклиф этиш урф бўлгани Улар «интернационал» тарбия ҳақида мулоҳаза юритардилар. Маърузачилар марксча-ленинча назарияларга асосланиб, келажакда миллатлар бирлашиб, дунёда икки-уч тил ҳукмронлик қилади, дейишарди. Сезиш мумкинки, уларнинг ғояси маълум мақсадга бўйсундирилган эди.

Шукрлар бўлсинки, кейинги икки-уч йил ичида қадриятларимизга, анъаналаримизга кенг эътибор берила бошланди. Авлод-аждодларимизнинг ўтмиши ва келажаги ҳақида яхши фикрлар билдирилянти. Фарзандлар катта оила қучоғига қайтмоқдалар. Қарияларнинг фаришталари бўлишини ёш оилаларимиз саркорлари тушуниб етмоқдалар. Буни фақат қутламоқ керак.

— Мактабингизда ташкил этилган «Маданий меросга ихлос» маркази ҳақида эшитган эдик. Касбдошларимиз бу хусусда илиқ фикрлар айтишади...

— Ҳа, айни кунда халқ таълимини янги босқичга кўтариш масалалари кун тартибига қўйилаётир. Биз ҳам ушбу мақсадларга ўз улушимизни қўшиш учун «Маданий меросга ихлос» маркази тузганмиз. Ҳозир марказимиз Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти, А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти мутахассисларининг, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти мактаб раҳбарлари малакасини ошириш куллиёти тингловчиларининг, Жаҳон тиллари дорилфунуни талабаларининг маърифат масканига айланган. Марказимизда ёш муаллимлар учун район халқ таълими бўлимининг услубиёт бўғини ҳам фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, у ерда ота-оналар, маҳалла қўмиталар раислари билан доимий машғулотлар олиб борилади.

Гапни мухтасар қилиб айтганда, асосий мақсадимиз — ўқитувчиларга ўқитишнинг илғор услублари, қадриятларимизни эъзозлаш йўлларини ўргатиш, одамлар ўртасида меҳр-оқибатни тиклаш, ўқувчилар ўртасида таълим-тарбияни яхшилашдан иборат.

— Домла, хабарингиз бор, айрим ота-оналар мактаб ўқувчиларининг мачитларга қатнай бошлаганидан ташвишга тушаётирлар. Фикрингизча мактабда дин муносабатлари қандай бўлмоғи лозим?

— Матбуотда мактаб ва дин тўғрисида жиддий, аниқ фикр билдирилган мақолалар деярли эълон қилинмади. Шу сабабдан жамоатчиликнинг фикри бир тўхтамга келмаяпти. Ота-оналар ҳам ўз билганларича иш тутмоқдалар. Уларнинг дин тизимига кўр-кўрона ёндашишлари туфайли бутун оғирлик болаларга тушяпти. Ўқувчиларда ғоявий ва маънавий жиҳатдан иккиланиш бор. Лекин бу далил ташвишланишга ҳеч бир асос бўлолмайди. Чунки ўтган ўқув йилида мактаб ўқувчилари мачитларга кўп қатнашар эди. Ҳозир аҳвол бироз ўзгарди.

Кўпгина ота-оналар фарзандларимиз мачитларга қатнаса одоби, тарбияси яхши бўлади, араб ёзувини мукаммал ўрганади, деб ўйлашади. Араб тили сарҳадлари, ислом асосларини билиш, фақат ёзувни ўрганиш билан чекланмайди. Менимча, давлат мактаби билан диний мадрасалар ўртасида қандайдир чегара, шу билан бир қаторда мулоқот кўприги бўлмоғи, яъни шаҳар, шаҳарчалар марказида махсус диний мадрасалар очилмоғи лозим. Умуман олганда, ўқувчиларга ўтмишдаги аҳлоқ, маданият, дин тарихи асосларини чуқур ўргатилишининг тарафдориман.

— Ҳозирги шароитда, мустақил Ўзбекистон мактаблари раҳбарлари қандай юмушларни амалга оширмоқлари керак? Улар учун энг долзарб вазифа, Сизнингча, нималардан иборат?

— Мустақиллик замирида улкан маъно ётади. Унинг тамойиллари ҳам кўп. Мустақилликни ота-боболаримиз анча йиллардан буён орзу қилганлар ва шу йўлда кураш олиб борганлар. Бу йўлда биринчи ўринда маърифатчиларнинг, илмли кишиларнинг қони тўкилгани ҳақиқат. Энди ёшларимиз ўша босиб ўтилган йўлларни қалбан ҳис қилиши ва ўз келажаги, халқи, Ватан тақдири ҳақидаги фикрларини дил дилидан ўтказиб кўрмоғи зарур.

Раҳбарлар эса бу борада дадил равишда тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этмоқлари керак. Шунингдек, барча фанлар бўйича янги ўқув дастурлари устида бош қотиришлари лозим. Мустақил ўқув услубиёти тайёр нарса эмас. Уни ижодкор жамоа, изланувчан ўқитувчилар билан амалга оширилади. Бу борада ҳам оқилона ташкилотчилик, педагогик даъват талаб этилади.

Тўғрисини айтиш керак, илм масканларида фаолият кўрсатаётган айрим раҳбарлар билан мустақил Ўзбекистоннинг маърифатини яхшилаб олиш қийин. Агар уларни аттестациядан ўтказиш лозим топилса, баъзи бир жиҳатларни ҳам айтиб ўтмоқ керак. Масалан, ҳозир раҳбарларнинг жамиятдаги ўрни, обрў-эътибори юқори эмас. Жиддий, ишбилармон ўқитувчилар бор, бироқ директорлик лавозимида ишлаётганлари кам. Аттестация жараёнида шу каби муаммолар инобатга олинса, нур устига нур бўларди, деб ўйлайман.

— Ҳадемай ўзбек тилига давлат мақомининг берилганига уч йил тўлади. Бироқ бу борадаги юмушлар олдинга тезроқ силжимаётир. Ҳаттоки, айрим кимсалар она тилимизга беписандлик билан қарамоқдалар...

— Бу фикрларни мен бошқачароқ таърифлаган бўлардим. Энг аввало бажарилаётган юмушларнинг ижобий томонларини кўра билмоқ керак. Тўғри, Қонун моддаларининг қирралари хилмахил, вақт ўтиши билан баъзи бандлар эскирган бўлиши ҳам мумкин. Лекин матбуотнинг кучи билан атамашунослик соҳасида эришилган ютуқлардан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, муаллиф, сувқувар, даҳа, хонадон, хатжилд, қаҳва, совриндор, чизғич, табобат, далолатнома, ҳисобот, муқобил каби сўзлар тилимиз луғатидан муносиб жой олди. Илгари ушбу сўзларнинг русча атамаси қўлланиларди.

Тилимизга беписандлик муносабатларининг келиб чиқишига эса бевосита ўзимиз сабабчимиз. Турмушга бирёқлама ёндашдик. Тилини «чумчуқ чўқиган» баъзи муаллимлар соф ўзбек тилида фикрлаш, болаларга тушунча, билим бериш ўрнига дарсларда аралаш ибораларни ишлатиб, аҳволни чигаллаштирди. Мактабларда рус тилини чуқур ўрганадиган синфлар оча бошладик. Ўша йиллари она тили ва адабиёт фанини чуқур ўргатиш ҳақида гап ҳам бўлмасди. Шунга қарамай, биз 1985 йилиёқ адабиёт фанини юқори синфларда чуқурлаштириб ўтиш ҳақида ташаббус билан чиқдик. Тўсиқларга учрасак-да, мақсадимизга етдик. Ахир, Навоий ҳикматларисиз, халқ оғзаки ижоди намуналарисиз таълим-тарбия жараёнини тасаввур қилиш мумкин эмас-ку.

Яхшиямки, 1989 йилнинг 21 октябрида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Нотўғри тушунчадаги кишилар бу қонунни «Ўзбек тилини билмайдиганлар учун чиқаришди», деган хаёлга боришди.

— Тилини йўқотган халқнинг келажаги ҳам йўқ, дейишади. Таниқли қирғиз адиби, зуллисонайн ёзувчи Чингиз Айтматов шундай ёзади: «Токи тил мавжуд экан, халқнинг умри боқийдир. Ҳар бир тил муайян халқ учун азиз ҳисобланади. Ҳар биримиз бизни вояга етказган, бизга энг бебаҳо бойлигини — тилини ҳадя этган халқ олдида қарздормиз: тилимизнинг софлиги учун, бойиши учун жон қуйдирсак, фарзандлик бурчимизни адо этган бўламиз». Демакки, сўз хусусиятлари жиҳатидан сермаъно забонимизни асл ҳолига қайтармоғимиз, бойитишимиз, асрамоғимиз лозим. Зеро, фарзандлик бурчи — садоқатлиликдир.

— Бир сўз билан айтганда, ўзбек тили сўз қатламлари ниҳоятда бой, жилвакор, жозибали, оҳангграболи. Ҳаттоки, моҳир таржимонлар ҳам она тилимизда битилган шеърий асарларни бошқа тилларга ўгириш мушкуллигини таъкидлашади...

— Ҳақиқатан ҳам шундай. Баъзан тилимизнинг имкониятларини кўриб ҳайратга тушасиз. Масалан, ҳажвий асар ёки фақат ўзбек халқига хос аския санъатими — уларнинг барчасида ўзига хос, такрорланмас жозиба, санъат бор. Уни қон билан, жон билан ҳис этиш керак. Шеъриятимиз хусусида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Мисол учун, мен Ўзбекистон халқ шоири А. Ориповнинг «Дорбоз» сарлавҳали кичик шеъридаги ўхшатиш, қиёслашларнинг русчада ёки бошқа бирор тилда берилишини сира кўз олдимга келтиролмайман. Мана, у:

Булутларга ёндош,
осмон остида,
Киприкдаги ёшдай турибди дорбоз.
Қиличнинг дамидай арқон устида
Кўзларини юмиб юрибди дорбоз.
Одамлар, одамлар, уни олқишланг,
Қаранг, у нақадар эпчил ва ўктам.
Биз-чи, эҳ... баъзи бир кўзи очиқлар
Эплаб юролмаймиз катта йўлда ҳам.

Қаранг, кичик бир шеърнинг тарбиявий аҳамиятга эгалигини. Бундан ташқари, Лутфий, Навоий, Бедил, Бобур, Машраб шеърлари ҳар бирининг ўзи бир дунё, улкан мактаб, алоҳида бир мавзу. Умуман, шарқ намунавий шеъриятига буюк Пушкиннинг тан бергани ҳақиқат.

— Сиз раҳбарлик қилаётган илм маскани жамоаси яқинлашиб келаётган янги ўқув йилига қандай тайёргарлик билан келяпти ва уни қай тарзда бошламоқчи?

— Илм масканимиз жамоаси янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрган. Биз ўз кучимиз билан 40 та синфхона, ошхона, тажриба хоналарини ҳамда ёрдамчи биноларни жорий таъмирдан чиқардик. Бу юмушлар қисқа фурсатларда амалга оширилди. Шунингдек, болаларимизга зарур дарслик ва қўлланмаларни тахтлаб қўйганмиз.

Янги ўқув йилига адабиёт, математика, инглиз тили фанларини чуқур ўрганадиган лицей синфлар очдик. Бу ҳақда «Тошкент оқшоми» рўзномасида эълон бериб, шаҳар мактаблари ўқувчиларини танлов йўли билан қабул қилдик. Шу қаторда янги ўқув йилидан бошлаб мактабимизда бошланғич синф муаллимлари тайёрлайдиган лицей синф фаолият кўрсатади. Бошланғич синф ўқитувчилигига лаёқати бор бўлган ўқувчиларни Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида тестдан ўтказганмиз. Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги нишонланадиган мўътабар санани ана шу каби янгиликлар, ўзгаришлар билан кутиб олаяпмиз.

— Ҳамкасбларингизга истак ва тилакларингиз?

— Мустақил Ўзбекистон ўқитувчиларига талай имтиёзлар берилди. Уларнинг обрў-эътиборини ошириш борасида ҳам тадбирлар белгиланаяпти. Энди муаллимларимиз ҳам УСТОЗ деган улуғ номнинг салмоғини оқламоқлари шарт. Ҳамиша изланишда бўлиб, имон, эътиқод билан ўқитишнинг илғор услубларини қўллаб дарс ўтсинлар, ўқувчиларга дунёвий билимларни ўргатсинлар. Уларга маориф ишини бажаришдек эзгу йўлда сабот ва бардош тилайман.

Суҳбатдош «Маърифат»нинг махсус мухбири Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

ДАРСЛИКЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ҚАЙСИ БИРИ ТЎҒРИ?

Бошланғич синф дастурини пухта билган тажрибали ўқитувчилар қўшимча адабиёт, маҳаллий матбуот ва турли манбаалардан олинган аниқ далиллар ҳамда расмлардан ижодий фойдаланиб, дарсликка киритилган ҳар бир мавзуни жонли, қизиқарли қилиб ўтадилар. Бу эса ўз навбатида ўқувчилар фикр доирасини кенгайтиришга, уларнинг дарсга бўлган қизиқишининг ортишига ижобий таъсир қилади.

Одатда қўшимча манбаалар дарсликлардаги маълум бир мавзуни тўлдиришга, ундаги воқеаларни яна ҳам ойдинлаштиришга ёрдам беради.

Афсуски, дарсликларимиздан ўқитувчи ва ўқувчиларни иккилантирадиган, фикрини чалғитадиган айрим ноаниқ мавзулар ҳам ўрин олган. Мисол учун 4-синф «Ўқиш» китобининг 144—147-бетларидаги «Мира» номли воқеий ҳикояни кўрсатиш мумкин. Биз ушбу мавзуга қўшимча манбаа сифатида «Ёш куч» ойномасида чоп этилган. «Унинг исми Мира» мақоласини (расми билан) танлаб (бу мавзуга оид шундан бошқа қўшимча манбаа мутлақо йўқ) ўқувчилар олдида жуда ҳам ноқулай аҳволга тушиб қолдик. Чунки «Мира» мавзуси дарсликда воқеий ҳикоя деб берилишига қарамасдан, айнан шу воқеа асосида ёзилган, биз қўшимча манбаа сифатида танлаган «Унинг исми Мира» мақоласига зид эди.

Тўғрисини айтганда, дарсликдаги берилган воқеий ҳикоя билан ойномада берилган мақола бир-бирини тўлдирмайди, балки ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида қизғин жумбоқли тортишувга сабаб бўлади. Фақат ўқитувчи воқеа тафсилотларидан хулосага келиб, дарсликка нисбатан мақола мазмунининг ҳақиқатга яқин эканлигини болаларга айтиш мумкин, холос.

Бир қарашда арзимагандек туюладиган воқеа, аммо ёш болаларни чалғитишга, аниқроғи, алдашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шунинг учун ҳам биз ушбу мақолани ёзишга жазм қилдик. Аммо биз бу мақолани бирор кишини айблаш учун ёзганимиз йўқ, қолаверса, бундай фикрдан мутлақо йироқмиз. Шунингдек, «Мира» мавзусини дарсликда олиб ташлаш тарафдори ҳам эмасмиз, чунки мавзу болалар ёшига мос, қолаверса, мазмуни ҳам қизиқарли. Фақат нашриётдаги мутасаддиларгина ҳафсала қилишиб, дарсликнинг навбатдаги нашрига аниқлик киритсалар бўлгани.

Й. ЭШБОЕВ,
Сурхондарё вилояти Жарқўрғон ноҳиясидаги 6-мактаб ўқитувчиси.

Н. ЭШБОЕВА,
Сурхондарё вилояти Қумқўрғон ноҳиясидаги 48-мактаб ўқитувчиси.

ДОВОНЛАР ОШИБ



Биз қаламга олаётган кишининг фазилатлари ичида диққатга лойиқ томонлари кўп: суҳбатдошининг сўзини бўлмайди, сабр билан тинглайди, гапининг маъноси ва оҳангидан зарур хулоса чиқаради. Агар суҳбатдоши ўринли ва адолатли гапирса, аҳён-аҳёнда «ҳа, сиз ҳақсиз», деб тасдиқлайди ва фикрини очиқ айтади. Шуниси ҳам борки, суҳбатдоши унинг фикрларига қўшилмаса, уни тўғри йўлга буришга уринади, агар тушунтиришлари зое кетаётганини сезса, тезда хайр-маъзур қилиб қўя қолади.

Бу киши асли самарқандлик, ўша ерда 1947 йилда зиёли оиласида таваллуд топган Юсуф Неъматович Абдуллаевдир.

Юсуфжон ёшликда отасидан ўтмиш ҳикояларини мароқ билан тинглар, айниқса, Шарқнинг ўзига хос тарихи унинг бутун диққатини жалб этарди. Шу туфайли у ёшликдан шарқшунос бўлишни орзу қилди.

60-йиллар эди. Шарқ тарихи мутахассиси бўлишни дилига туйган Юсуфжон ўрта мактабни муваффақиятли тугаллади ва Самарқанд давлат дорилфунунининг тарих факультетига ўқишга кирди. 1963—1967 йилларда дорилфунун бағрида таҳсил кўрди.

Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Носр, Форобий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур, форс шоири Бобо Тоҳир Урён, Амир Темур, Улуғбек, Абдулла Авлоний, Фитрат, Чўлпон каби машҳур кишилар ҳаёти ва ижодий фаолиятига ғоятда катта қизиқиш билан қаради ва махсус дафтар тутиб, улар ҳақида айрим маълумотларни ёзиб боришга киришди.

У турли тилларни ўрганмай бу алломалар ҳақидаги турли манбаларни тўла ўзлаштириш қийинлигини тушунди. Шу туфайли у, аввало, нега тиллар ҳар хил, сабаби нима экан, деб жавоб излашга тушди. Ниҳоят, Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва ижодини ўрганар экан, бу саволига жавоб топгандай бўлди ва дарҳол хотира дафтарига ёзиб олди. Беруний шундай деган экан: «Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли хоҳишларни ифодалаш учун (зарур бўлган) сўзларга эҳтиёж туғилишидир. Узоқ замонлар ўтиши билан ҳалиги иборалар кўпайиб, ёдда сақланган ва такрорланиш натижасида таркиб топиб тартибга тушган».

Юсуф Неъматович турли тилларни ўрганишга астойдил киришди ва ўзбек, рус, тожик, форс ва инглиз тилларини мукаммал эгаллади.

1963 йилда иш фаолиятини мактабда кашшофлар етакчилигидан бошлаган Юсуф Абдуллаев ҳаётини илм-фансиз тасаввур этолмаслигини тушунди. Айниқса, талабалик йилларида Шарқ олимларининг илм ҳақидаги фикрларини ўрганар экан, бунга янада иқрор бўлди. Илмнинг аҳамияти ҳақидаги Берунийнинг қуйидаги сўзлари мағзини чақиш учун кечалари узоқ ва узоқ ўтириб фикрлар эди: «Ёмонликнинг шахобчалари кўп бўлса ҳам, уларнинг асоси — таъма, ғазаб ва илмсизликдир!» О, нақадар топиб айтилган ҳақиқат! Ер юзидан ёмонликни йўқ қилиб ташлаш мумкинми? Мумкин бўлса, қандай қилиб? Ҳа, баракалло Сизга, аллома! Сиз ёмонликни йўқотишнинг уч илдизини кўрсатибсиз!

Таъмагирлик. Кишини хору зор этадиган ҳам, тубанликка юз тубан кеткизадиган ҳам — таъмагирликдир. Таъмагирликдан порахўрлик туғилади, натижада жамиятимиз инқирозга юз ўгиради. Бу ҳақда буюк Навоийнинг сўзлари эсга тушади:

Бировни тама риштаи қилғуси,
Унинг бирла бўғзидан осилғуси.

Демак, таъмагирлик туфайли киши бўғзидан осилгай! Мунис Хоразмий ҳам, мана, нима деган эди-я:

Ҳар қаён нафсинг тилар ул ён югурмакдур ишинг,
Гўёки минмиш сени ул дев бошинг нўхталаб.

Қойил, таъмагирларнинг ҳайвондан фарқи йўқ! Демак, қаноатли бўлган ўз мақсадига етгусидир. «Қаноатли камбағал,— деган эди бобомиз А. Навоий,— бой ва шоҳу гадодан улуғ».

Ғазаб ҳам бахтсизликка эшик очади. Ғазаб келганда мулойим сўз топиб айта билиш учун ҳам кучли ирода керак. Бу ҳақда А. Навоий ҳикматларига амал қилиш зарур: «Мулойим сўз — ваҳшийларни улфатга айлантиради»...

Юсуфжон ўй-фикрларининг чеки йўқ эди. У кўпинча ёлғиз қолиб хаёл суришни ёқтиради. Илм ҳақида ўйлаб-ўйлаб, университетни туратгач, шу ерда кичик илмий ходим бўлиб ишда қолди, ниҳоят, аспирантурага ҳам киришга муяссар бўлди. Кейин Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтига кичик илмий ходим бўлиб ишга ўтди. Хуллас, университетдаги талабалик йиллар тугаб, 1967—1973 йилларда илм билан астойдил шуғулланди, фан номзоди бўлди.

У ажойиб нотиқлиги билан эл оғзига тушди, раҳбарлар диққатини жалб этди. Натижада ёшлар билан ишлаш вазифасига таклиф этилди: 1973—1976 йилларда республика ёшлар қўмитасида фан сектори мудири бўлиб ишлади. Ю. Абдуллаев маориф ишлари, ташвиқот-тарғибот масалаларида ўз қобилиятини намойиш этди. Кейин уни шу марказий қўмита ҳузуридаги маориф гуруҳига раҳбарликка тавсия этишди, тарғибот ва ташвиқот бўлимининг мудири лавозимига кўтаришди.

Аммо Юсуф Абдуллаев илмий ишини давом эттиришни юрак-юракдан истарди. Шунинг учун ҳам 1976 йилнинг октябрь ойидан яна илмий фаолиятга қайтди, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими бўлиб келди. Кўп ўтмай илмий котибликка сайлашди.

1980 йилга келиб Шарқ мамлакатларига сафар қилиш насиб этди. Уч йил қўшни Афғонистонда хизмат сафарида бўлди. Афғонистон Халқ демократик партияси қошидаги ижтимоий фанлар институти ёшлар факультетининг маслаҳатчи-ўқитувчилар гуруҳининг раҳбари бўлиб ишлади. Хизмат сафаридан қайтгач, яна ўз ўрнида —1983—1985 йилларда ЎзФАда ишини давом эттирди.

Юсуф Абдуллаев қаерда, қандай лавозимда ишламасин, унинг қўлидан китоб ва қалам тушмаган, фикрлаш, ижод, янги-янги таклиф-мулоҳазалар унинг доимий одати. Шу туфайли ҳам Ўрта Шарқ мамлакатлари тарихига оид 90 дан зиёд илмий асарларини чоп эттирди.

Юсуф Неъматович Д. Дидронинг: «Инсонлар китоб ўқишни тўхтатишлари билан фикрлашдан ҳам тўхтайдилар», деган ҳикматли гапини тез-тез дилида такрорлаб туради ва унга амал қилади.

Олим учун жуда кўп марта минбарларда сўз айтишга тўғри келди. Шунинг учун ҳам у донолар бисотини синчиклаб ўрганар ва улардан айримларини дафтарига ёзарди.

Хуллас, Юсуф Неъматовичдаги ақл, фаросат, донолларнинг ҳикматли гапларига амал қилиши натижасида унинг ҳаётида янги уфқлар пайдо бўлди, у довон, сўқмоқлар оша камолатга эриша борди.

1985 йилнинг мартидан Ўзбекистон партия Марказий Қўмитасида тарғибот ва ташвиқот бўлимининг сектор мудири бўлиб ишлар экан, ундаги инсоний фазилатлар, тил, нотиқлик соҳасидаги маҳорати иттифоқ миқёсида кўзга ташланди. Уни Москвага ишга чақиришди, собиқ КПСС Марказий Қўмитасининг тарғибот бўлимида инструктор бўлиб ишлади. Бу ерда катта тажриба орттирди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси партия Марказий Қўмитасида мафкура бўлими мудирининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолиятини давом эттирди.

У маориф соҳасида ҳам билимдон, ижодкор раҳбар эканлигини намойиш этди. Шу туфайли 1988 йил октябридан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари вазифасига ўтказилди. Юсуф Неъматович халқ таълими ишларига астойдил берилди ва бу соҳадаги билимини янада чуқурлаштиришга киришди.

Халқ таълимига раҳбарлик қилиш учун педагогика фанидан етарли хабардор бўлиш зарурлигини яхши тушунган Юсуф Неъматович бу соҳадаги назарий-амалий билимларини мустаҳкамлади, тарбия принциплари, шакллари ва методларини такрор ўрганди.

Юсуф Абдуллаев донолардек соф фикр юритади: яхшилардан ибрат олиб яшаш керак, муросаю мадорани ўз ўрнида мезон деб бил. Ҳар бир ишда меёрни унутма. Қайнаб тургин-у, тошиб кетма.

Юсуф Неъматович чет эл сафарларида ҳам кўпроқ маъруза қиларди, АҚШ, Афғонистон, Жанубий Корея ўқув юртларида дарс берди. «Ўзбекистон — Афғонистон» жамиятининг президенти, журналистлар уюшмасининг ва «Позиция» (Тошкентдаги) журналининг муҳарририят аъзоси сифатида ҳам фаол ҳаракатда.

У оилапарвар ҳам. Хотини Танзира Аҳроровна билан бир ўғил, уч қизни тарбиялаб вояга етказишмоқда.

Ўзбекистон республикаси мустақил бўлгач, унинг турли минтақаларда элчихоналари очила бошлади. Шу жумладан, Россияда ҳам Ўзбекистон Республикаси элчихонаси очиладиган бўлди. Бундай катта ва шарафли лавозимга Юсуф Абдуллаев лойиқ деб топилди. У энди халқаро майдондаги элчи. Бу унга билдирилган энг катта ишонч, масъулият. Бундай шарафли лавозимда Юсуф Неъматовичга катта ютуқлар тилаймиз.

Б. ТУРДИЕВ,
У. НУРМУҲАМЕДОВ.



Институтларда, ўқув даргоҳларида бўлажак талабалар учун қаяжонли дамлар бошланди. Кириш имтиҳонлари давом этяпти.

Тасвирларда: Тошкент давлат дорилфунунида таълим олиш ниятида бўлган йигит ва қизлар дастлабки синовдан ўтаётирлар.

Суратчи А. МАМАДАМИНОВ.



ҚИСМАТ

1937 ИИЛДА НОҲАҚ ЖАБРЛАНГАН «МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ» ҚЎҚОНЛИК МУАЛЛИМ АБДУВОҲОБ ИБОДИЕВ ҲАЕТИДАН ҚАЙДЛАР

...1914 йилнинг бошларида Қўқонлик Солижон деган бадавлат одам ўз ҳамшаҳарларидан бир гуруҳини ҳажга боришга даъват этади. У сафар чоғида ҳамроҳларини мусулмончиликдаги беш ақиданинг бирини бажариш билан бирга қўшни юртларни кезиб чиқишга ундайди. Бу машаққатли, аммо савобли юмушга ўша кезда илк асарлари билан эл оғзига тушган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, «Правда» газетасини Туркистонда биринчи бўлиб тарқатган шоир ва ношир Иброҳим Даврон, халқ ўқитувчиси Абдуваҳоб Ибодиев ва яна бир неча киши бош қўшади. Улар Туркия тупроғига қадам қўйишлари биланоқ нохуш хабардан воқиф бўлишади. Ўша кезда Оврўпода қирғин — барот уруш бошланганди. Бу кўргилик Шарқ мамлакатларига ҳам салбий таъсир кўрсатмасдан қолмасди. Чунки юз бериши мумкин бўлган воқеаларга Туркия бевосита алоқадор ва унинг заминига ҳам иккинчи жаҳон уруши етиб келиши эҳтимолдан холи эмасди.

Ҳажга отланганлар уруш дарагини эшитиб аросатда қолишди. Ниятга етиш зарурми ёки вақт борлигида омон-эсон Қўқонга равона бўлиш керакми? Фикрлар иккига бўлинади. Кимдир ҳеч иккиланмай сафарни давом эттириб, Каъбатуллога сажда қилишни таклиф қилади, кимдир болалари тушига киргани баён этади...

— Отамиз савоб юмушни бажо келтиролмай, Истамбулдан қайтиб келгачлар, — дея ҳикоя қилади филология фанлари номзоди, шоир Насрулло Даврон, — у киши ҳамроҳларидан юртига мактуб олиб келган. Жумладан, Ҳамза Ҳакимзода Қўқондаги яқинларига соғинч хати битиб берган. Бирмунча вақт ўтгач, отамнинг ҳамроҳлари ҳам қайтиб келишибди. Уларнинг ниятлари ижобат бўлганми ёки йўқми, бундан бехабарман. Буни отамдан сўрашга истиҳола қилардик, чунки у кишининг армони азобга қолиши мумкин эди-да.

...А. Ибодиев ҳажга отланиш чоғи қўшни Шарқ мамлакатларида ўқитиш қандай олиб борилаётгани билан қизиққан. Шу мақсадда тили, дили яқин ва дини бир бўлган Туркиядаги ўқув тизими билан танишишга аҳд қилган. Чунки муаллимни ёшларга дунё билимларини ўргатиш, уларни ўзга халқлар адабиётига яқинлаштириш масаласи мунтазам қийнарди. Ватанидаги мадрасаларда кенг қамровли билим бериляпти, деб бўлмасди.

Абдуваҳоб фақат ўзи билган рус домлалари билан алоқа қиларди, холос. Боз устига талабаларга етарли билим берувчи адабиётлар етишмасди. Шу чоққача аниқ билим бериш тизими ишлаб чиқилмаган. Халқ ўқитувчиси ана шу муаммоларга бир оз бўлсада ойдинлик киритиш ўйида бир неча кун Туркиянинг шаҳар ва қишлоқларини кезиб, у ердаги таълим-тарбия ишлари билан яқиндан танишади. Ўзи билганларини ҳамкасбларига ҳикоя қилиб беради. Турк халқининг тараққийпарвар вакиллари билан яқин алоқада бўлади, уларнинг қарашлари билан қизиқади. Мезбонларни қизиқтирган саволларга эса батафсил жавоб беришга ҳаракат қилади. У ўша учрашувларда ўзини ўйлантирган масалаларга оид адабиётлар жамлайди. Қисқа муддатли танишув А. Ибодиевда катта таассурот қолдирган. Олам кезиш ва дунёвий билимлардан хабардор бўлиш ҳар бир теран фикрловчи шахс учун ниҳоятда зарурлигига имони комил бўлганди ўшанда.

«Меҳнат қаҳрамони»нинг катта ўғли, марҳум Абдулҳай Ибодиевнинг хотираларидан:

Қўқонда отам ташкил этган «Коммуна» мактабида камбағалларнинг фарзандлари ўқишган. У киши Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Муқимий, Зокиржон Фурқат каби Шарқ алломаларининг илмий ва бадиий асарларини қунт билан ўқиган. Падари бузрукворимдаги закийлик, кибрсизлик, оддийлик ва тахамуллик хусусиятларини сезардим, аммо мунофиқлик, икки юзлама кишини сезмадим. Луғат ва қомусий адабиётлар, тилшунослик ва мантиқшуносликка оид китобларни кўп мутолаа қиларди. Айниқса, араб тилини ўта пухта билишини ҳар чоғ англардим. Нутқда кўп адабий сўзларни ишлатардим. Қарор, ариза ва бошқа ёзма нутқларни бот-бот таҳрир этарди. Отамнинг эътирофига кўра, инқилобгача исми-шарифи Шумаков бўлган рус ўқитувчисига ёнидан ҳақ тўлаб, бева-бечораларнинг болаларини ўқитган. О. Аминов, М. Ўрозбоев, М. Қориев, М. Назаров сингари етук олимларга ўз вақтида илм-сабоқ бергани билан ҳар гал фахрланарди.

Абдуваҳоб домла 1921-23 йилларда Қўқончилар иттифоқида озиқ-овқат тайёрлов идорасида мудир бўлганини эслайман. 1925-26 йилларда халқ қозиси ҳам бўлган. Кейинги вақтда Қўқонда очилган 8-интернатда мудир ва тарбиячи бўлиб ишлади. Ўша кезда отамнинг қўлида Усмон Носир, Иброҳим Назир, Қодир Алиев, Муталиб Ҳакимов, Али Муҳсимов, Теша Ҳаким, Восиҳ Рашид, Сиддиқ Салим, Раҳмон Усмон каби иқтидорли ёшлар таълим олишган. 1930 йилдан то 1937 йилгача 1-болалар уйининг мудири бўлиб ишлади. Билим масканида тикувчилик устахонаси, мусиқа тўгараклари бор эди. 1936 йил 14 октябрда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси отамга «Узоқ йиллар (36 йил) педагоглик соҳасида кўрсатган хизматлари учун» «Меҳнат қаҳрамони» фахрий унвонини берди.

Отам шахсга сиғиниш авж олган қатағон кунларида — 1937 йил 16 сентябрда ҳибсга олингач, уни бошқа кўрганимиз йўқ. Аллоҳ марҳумнинг арвоҳини илоҳим шод этсин...

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳужжат хонасида сақланаётган А. Ибодиев устидан бундан ярим асрдан кўпроқ вақт муқаддам тўқиб чиқарилган жиноий ишда қайд қилинишича, қўқонлик муаллимни унинг ўзи яхши билган Камолиддинов, Рўзиев, Ҳайдаровлар берган қораловчи кўргазма асосида ҳибсга олишган. Уни устамон терговчилар бир неча кун мобайнида узлуксиз элакдан ўтказишади. 60 ёшга бориб қолган А. Ибодиев ўша кезда билаклари кучга тўлган малла соч, кўк кўз терговчиларнинг аёвсиз калтакларига дош беролмагани аниқ. Инсоний қиёфасини йўқотган терговчилар нима бўлса ҳам маҳбусни чалғитиш ва ўзи билмаган айбларни гарданига олдиришга бот-бот ҳаракат қилишган. Дастлабки дақиқаларда А. Ибодиев жами гуноҳларни зиммасидан соқит этади. Шу боис фикри-зикри ақлини танибдики, фақат таълим-тарбия беришга қаратилгани, ҳеч қанақа сиёсий ташкилотларга алоқаси йўқлигини билдириб, кўргазма беради. Аммо орадан бир неча кун ўтгач, олдин айтган гапларидан мутлақо тониб, терговчиларга ён босганини кузатиш мумкин. Хуллас, терговчилар устма-уст дўқ-пўписа ва қўл кучи ишлатиб, қуйидаги тўқиб чиқарилган айбларни бегуноҳ А. Ибодиев зиммасига юклашга муваффақ бўлишади:

1. А. Ибодиев Қўқон мухторияти даврида «Ҳайрат» жамияти ташкил қилиб, буржуа миллий адабиётини тарқатган, «Таълими маориф» («Шўрои Исломия»нинг бир бўлаги) аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлган.

2. У инқилобга қадар шахсий ташаббус кўрсатиб мактаб очган ва камбағалларнинг болаларига жадид усулида дарс берган. Ота-оналардан таълим ҳаражатларини қоплаш учун ҳар ойига 1 сўмдан 3 сўмгача пул олган. Ўқитиш чоғида дунёвий билимлардан сабоқ берган.

3. Талабалар сони 200 нафарга етгач, қўшимча ўқитувчилар ёллаб, уларга ҳақ тўлаган. Шу йўл билан ёлланма ишчилар меҳнатидан фойдаланган. Бу эса қулоқлик ҳаракатига йўл очган.

4. Пантюркист сифатида 1914 йилда Истамбулда бўлган. Турк сиёсатчилари билан учрашиб, улардан сиёсий ҳаракатлар учун маслаҳат олган. Бу ерга келиб аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси сифатида душман адабиётларини мунтазам тарқатган.

5. Маҳбус ҳамшаҳари — собиқ Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши раиси Абдулла Каримов ва қамоққа олинган жумҳурият раҳбарларини содиқ ходимлар деб мақтаган. Тошкентга келганида собиқ ўқувчиси — А. Каримовнинг уйида меҳмон бўлган, у билан ҳуфёна аксилинқилобий фикрлар юритган.

6. Шахсий томорқасида болалар уйи тарбияланувчиларидан ғаразли мақсадда фойдаланган.

7. Эскилик сарқити бўлган мадраса, масчит, диний уламолар тўпланадиган биноларнинг йўқ қилинишига қарши бўлган ва бу ҳаракатларга кескин норозилик билдирган.

Ўша кезда бундай гуноҳларнинг юзага келиши катта фожиа эди. Замона ғилдирагини қўлига олган НКВД учун истаган айбни тўқиб чиқариш ончалик қийин эмасди. Терговчилар ҳар қандай одамни тилга киритишга ва уларга асқотадиган кўргазма ундиришга устаси фаранг бўлиб кетишганди. Чунки авахтага тушган ҳар қандай кимса у ердан омон чиқмасди. Одамзот мум тишлаган бўлса ҳам тез орада булбулгўё каби «сайраганини» билмай қоларди. Баттолларнинг ёвуз хатти-ҳаракатини кузатадиган, ҳеч бўлмаса тартибга соладиган ҳокимият адойи-тамом бўлганди. Тириклик — ўз жонининг қайғусига тушиб қолган ва ҳар бири ҳадикда яшарди. Чунки НКВД кимгаки душман деб бир кўз тикдими, то мақсадига эришмагунча асло тинчимасди.

Узоқ давом этмаган терговдан кейинги юз берган суд жараёни ҳужжатларини кузатиш ҳар бир теран фикрловчи шахсда бисёр иккиланишлар уйғотади. А. Ибодиевни қамоққа олинганидан сўнг бор-йўғи 78 кундаёқ қора курсига ўтқазиб қўйилгани ғалати туйилади. Одатда терговчилар ишни шунчалик эрмакка бўлса ҳам анча чўзишарди. Зиёкор Абдуваҳоб Ибодиевни жазолаш ҳуқуқини Ўзбекистон ССР НКВДси қошидаги «учлик» ўз зиммасига олган. Ўша кезда бу жазоловчи гуруҳга жумҳурият НКВДсининг бошлиғи, давлат хавфсизлиги майори Загвоздин бошчилик қилган. Унинг ёнида жумҳурият партия ва шўро раҳбарлари туришган. Имонимиз комилки, НКВД берган айблов ҳужжатига Тошкентнинг Гоголь кўчасида жойлашган муҳташам уч қаватли бинода ўтирган ўша кездаги жумҳурият раҳбарлари ҳеч иккиланмай қўл қўйишган. Агар шундай қилишмаса, уларнинг ўзлари ҳам темир панжарали ертўлага тушиб қолишлари эҳтимолдан холи эмасди. Алқисса, 1937 йил ноябрда «учлик» А. Ибодиевни Ўзбекистон ССР Жиноят мажмуасининг 66-моддаси, 1-қисми билан айблаб, уни аксилинқилобий тарғибот ва ташвиқотда иштирок этган дея, ўн йил хат олмаслик шарти билан меҳнат тузатиш лагерига жўнатиш юзасидан ҳукм чиқаради...

Шу тариқа бир инсон тақдири ҳал этилган. Кейинчалик А. Ибодиевнинг ҳаёти қандай кечгани ягона аллоҳдан бошқа ҳеч кимга маълум эмас! Ҳукмдан сўнг маҳбусни қайси қамоқхонага жўнатишди, қаерга олиб боришди, ким қабул қилди — булар ҳақида маълумот йўқ. Аксарият ҳолларда айблануви отилган бўлса ҳам, жиноий ишда номигагина 10 йил қамалди, деган ёзув пайдо бўларди. Мазкур жиноий иш ҳам бундан мустасно эмас. Хуллас, биз кўрган ҳужжатлардан умри хазон бўлган инсон изини топиш амри маҳол. Балки, ўзга жойларда биз билмаган ва шу чоғгача ошкор қилинмаган яна бошқа «ўта махфий» ҳужжатлар бордир, улардан А. Ибодиевнинг душвор қисматига оид қўшимча маълумотлар олиш мумкиндир...

Бор гап шу. Бундан бошқа маълумот йўқ. Нуфузли идора ходимлари ҳозир доимий бўлиб қолган: «Ўша кезда кўп ҳужжат қолдиришмасди», дея жавобдан нарига ўтишмаяпти.

* * *

— Отамни куппа-кундузи қамоққа олишган, — дея эслайди Наби Ибодиев. — Ўшанда мен темирйўлчилар тайёрлаш мактабида ўқир эдим. Дарсдан келсам, опам бўзлаганча отамни олиб кетишгани, онам ва акам Қўқон НКВДси олдида деб қолди. Ўша томонга югурдим. Етиб келганимда улар сой бўйида беҳол ўтиришган экан. Ўша кезда онам синглимиз Азизага оғироёқ бўлган. Биз бир-биримизни сўзсиз тушундик. Ортиқча гап қотишга ҳеч ким қодир эмасди. То қуёш қорайгунча шу ерда шумшайиб ўтирдик. Темир дарвозадан ким чиқса, кўзимиз тўрт бўларди. Аммо ҳеч ким отамни бегуноҳ, у ҳозир омон-эсон чиқиб келади, дейиш қудратига эга эмасди.

Шундан сўнг узоқ вақт дарак бўлмади. Унинг тақдири нима бўлганидан мутлақо бехабар қолдик. Бизнинг бошимизга ҳам бисёр ташвишлар тушди. Бир йил ўтгач, Тошкентдаги ҳарбий билим юртига кириш учун ариза бердим. Аммо қабул комиссиясида қатнашган Қўқон НКВДси бошлиғи Вакуленко юзимга ёт унсурнинг боласи эканлигимни, «нари борса мен СССР фуқароси бўлишим мумкину», аммо ҳеч қачон қизил командир бўла олмаслигимни солди. Бундай ҳақоратлаш мени ер билан битта қилган, десам муболаға бўлмас. Аммо ўзимни йўқотмай Москвага, СССР Мудофаа вазирлигига арз қилдим. Ҳатто хатимга Сталиннинг ўша кезда машҳур бўлган: «Ота учун фарзанди жавоб бермайди», деган гапларини ҳам қўшиб қўйдим. Кўп кутишга тўғри келмади. Тез орада ҳарбий комиссариатга чақиришиб, хоҳишим бўйича Челябинскдаги штурманлар тайёрлайдиган ҳарбий ҳаво билим юртига йўлланма беришди. Уни тугатиш арафасида онамни кўргани Қўқонга келгач, НКВДига бориб, Вакуленкони суриштирдим, унга ким бўлганлигимни, унинг башорати рўёбга чиқмаганини айтиб қўймоқчи эдим. Афсуски, уни топа олмадим. Айтишларича, у ҳам «ежовчи» сифатида қораланиб, отиб юборилган экан...

Урушга кетдим. Ҳарбий ҳаво кучларидаги узоққа учадиган қўшинларда хизмат қилдим. Уруш тугагач, мени Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармасига ишга юборишди. У ерда бош штурман ўринбосари, Нукус ва Тошкент тайёрагоҳларининг бошлиғи, Тошкент авиақўшилмасининг қўмондони, Жумҳурият Вазирлар кенгаши қошидаги нефть маҳсулотларини қайта ишлаш ва таъминлаш бош бошқармасининг бошлиғи бўлиб хизмат қилдим. Ҳозир нафақахўрман. Аммо баҳолиқудрат омонат жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимида меҳнат қилаяпман. Ҳеч нимадан камчилик йўқ. Аммо туриб-туриб бизнинг камолимизни кўрмаган, ноҳақлик қурбони бўлган отамнинг аччиқ қисматига куйиниб кетаман.

...1956 йилда Ленинграддаги фуқаро авиацияси академиясининг толиби бўлган Н. Ваҳобов партиянинг XX съезди ўтаётган кунларда ўзини қўярга жой тополмасди. «Халқ душмани» сифатида ноҳақ жазоланганларни оқлаш юзасидан бўлган илк ҳаракатлар унинг қалбидаги илинж чироқларини янада ойдинлаштириб юборганди. Наби бир вақтлар йўқ бўлиб кетган отасини топиш ниятида эди. Ёзги таътил кунлари Тошкентга келиб, «Меҳнат қаҳрамони»нинг шогирдларидан бири академик М. Ўрозбоевнинг ҳузурига киришга муваффақ бўлди. Ўша кезда ҳурматли олим, Республика фан ва техника давлат қўмитасини бошқарарди. Устозининг ўғлини яхши кутиб олган академик уни обдон тинглайди ва Тошкент халқ хўжалиги институти ректори бўлиб ишлаётган қўқонлик халқ муаллимининг яна бир собиқ ўқувчиси М. Қориевга қўнғироқ қилади. Улар узоқ гаплашишгач, домланинг пок номини тиклашга бош қўшишга аҳд қилишади. Икки олим жумҳурият прокуратурасига устозлари босиб ўтган йўли ҳақлиги ва у ноҳақ жабрлангани, шу боис тезроқ оқланишини илтимос қилиб хат битишади. Шундан сўнг бу борадаги хатти-ҳаракат анча жадаллашган.

Наби ва акаси орадан қанча вақт ўтмасин, падару-бузрукворларини, албатта тирик кўришамиз, деб умид қилишарди. Чунки ўша кезларда қатағон йилларида турли муддатларга ноҳақ қамалиб кетганлар бирин-кетин озод бўлиб келишаётганди. 37-йилда Ибодиевнинг оиласидагилар ярми-ёрти эшитишларига қараганда, зиёкор 10 йилга бадарға бўлганди. Афсуски, фарзандлар қанча кутишмасин, қаерга мурожаат қилишмасин халқ ўқитувчисидан дарак бўлмади. Унинг тақдирини аниқлаб борадиган азамат топилмади. Ҳамма ердан бир хилда: «Ўлимидан сўнг оқланди», деган жавоб олинарди. Охир-оқибатда Фарғона вилояти прокурорининг раддияси билан вилоят судининг ҳайъати 1956 йил 16 октябрда шахсга сиғиниш йилларининг қурбони А. Ибодиевнинг ишини қайта кўриб чиқади ва унинг ҳатти-ҳаракатида жиноят аломатлари мутлақо бўлмаганлигини инобатга олиб, ишни ҳаракатдан тўхтатади. Қаҳрамон муаллим ўлимидан сўнг, орадан 20 йил ўтгач, бутунлай оқланди. Бу ҳужжатга Фарғона вилоят прокурорининг давлат хавфсизлиги органларидаги ишни назорат қилувчи ўринбосари, биринчи даражали адлия ходими Каргин имзо чеккан. Аммо бу икки энлик қоғоз фарзандларининг куйган юракларига таскин бера олармиди? Қарийб 20 йил гарданида «халқ душманининг ўғли», деган тамғани кўтариб юриш азобидан қутилиш осонми? Асло! Зор қақшаган ўғил ва қизларга отани тирик кўриш афзал эди. Надоматлар бўлсинки, ўлим устин келди. Ҳаётга беқиёс ташна ва бир умр одамларга яхшилик қилишга чоғланган ҳур фикрли зиёкорга панд беришди...

— Отамнинг хазон бўлган тақдирини ҳар гал ўз ҳаётимдан устун қўйганман, — дея сўзини давом эттиради Наби Ваҳобович, — қаерда ва қайси вазифада ишламай, у кишидан асло тонмадим. Аслида ким бўлгани ва ноҳақ қамалганини ҳеч қачон яширимадим. Бу ҳаракат ўзимга тўғаноқ бўлишини англаб турсам ҳам, виждонимга хилоф иш тута олмасдим. Хабарим бор, ўша оғир кунларда кимнингдир қариндош-уруғи ҳибсга олиниб қолса, ўзларини ўйлашиб, ҳатто улардан тонишгача етиб боришар, исми-шарифларини ўзгартириб, ўзга олам яратмоқчи бўлишарди. Мен эса бундай йўл тута олмадим.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати идорасидан ҳат олдим. Уни Ўзбекистон Президенти номига йўллаган ва шахсга сиғиниш даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш хусусидаги фикр кўпчиликнинг дилидаги гаплардир. 1936 йилда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси халқ ўқитувчиси А. Ибодиевга «Меҳнат қаҳрамони» унвонини берган эди. Зеро, ўша кезда юксак мукофотга сазовор этилганлар бармоқ билан саноқли бўлган. Бу фахрли номни қайта тиклаш ва суронли йилларда хизмати муносиб тақдирланганларни покланиш даврида номма-ном эслаш, биз тириклар учун ниҳоятда муҳимдир.

Ислом УСМОНОВ.



Ozbekistan Sotsialistik Sovet Respublikasi
Узбекская Советская Социалистическая Республика
Sovetlar Markazij Icraija Qomitasi
Центральный Исполнительный Комитет Советов
Tashkent—Ташкент
FAXRIJ XAT
ПОЧЕТНАЯ ГРАМОТА

Экологик тарбия

ТАБИАТГА МЕҲР УЙҒОТИБ

Бугунги кунда она табиатни асраб-авайлаш мамлакатимиздаги муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда табиатга оқилона муносабатда бўлиш ҳақида радио, телевидение ва матбуотда кўпгина ўринли фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Лекин амалий ишлар кам. Инсон табиатнинг кўпгина қонуниятларини билмайди, уларни бузади ва табиат устидан қозонган ўз «ғалабаси»нинг ҳалокатли оқибатларини кўпинча хаёлига ҳам келтирмайди. «Бироқ табиат устидан қозонган ғалабларимиздан ҳаддан ташқари мамнун бўлавермайлик. Ундай ҳар бир ғалаба учун табиат биздан ўч олади». (Ф. Энгельс).

Табиатни эъзозлашни, уни гуллатиб-яшнатишни ёшликдан ўргатиб бориш зарур. Баъзи мактабларда тажриба участкалари қаровсиз қолганлигининг, кўчатлар сийраклашиб бораётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. 1980 йили мамлакатда атмосфера ҳавосини ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланиш тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Ҳар бир фуқаро; ҳар бир мактаб ўқувчиси ҳавони кислород билан бойитадиган кўкаламзор жойларни сақлаш, тиклаш ва кенгайтириб бориш, ҳайвонларни асраш ва уларни кўпайтиришга имконият яратиш зарурлигига амин бўлиши керак. Ҳар бир ўқитувчи дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда болаларни табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаши, гуллар ўстириш, кўчатларни парвариш қилишдек хайрли ишларга жалб этиши фойдадан ҳоли эмас.

Мен ўқувчиларнинг табиатга қизиқишини орттириш мақсадида жонли бурчак ташкил этганман. Қуйи синф ўқувчиларидан бошлаб болаларни ўсимликлар оламига қизиқтириб бораман. Мактаб тажриба участкасида йигирма хилдан ортиқроқ мевали кўчатлар ўтқазганман. Ҳар йили эрта баҳорда кўчат ўтқазиш ва парваришлаш одат тусига кириб қолган, «Яшил патруллар» отряди мунтазам иш олиб боради. Отряд аъзолари табиат бойликлари: сув, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси инсоннинг сиҳат-саломатлиги учун зарур эканлигини яхши билишади ва тенгдошлари орасида бу борада тарғибот ишлари олиб боришади.

Баъзан турар-жойларда ариқларга мағзава оқизиш, кўчатлар ўсаётган жойдаги хазон ва пичанларга ўт қўйиб юбориш ҳолларини кўриш мумкин. Ўқувчиларимиз ана шундай кўнгилсиз ҳодисаларга лоқайдлик билан қарамайдилар. Мактабда табиатни асраш ва эъзозлаш тўғрисида кечалар, лекциялар уюштириб турамиз.

Табиатни авайлаб-асраш умумхалқ иши экан, мактабларнинг педагогик жамоалари, ота-оналар жамоатчилиги ўртасида тушунтириш ишларини олиб борилса, экологик тарбия бўйича кўпроқ амалий ишлар қилинса, инсоннинг бахт-саодати йўлида катта фойда келтиришимиз мумкин.

Т. КАРИМОВ,
Самарқанд вилояти Каттақўрғон районидаги 74-ўрта мактабнинг биология ўқитувчиси.

• МУЛОҚОТ •

ҲАЁТ ОНА АЛЛАСИДАН БОШЛАНАДИ

Низомий номидаги Тошкент педагогика институтида «Ҳаёт она алласидан бошланади» деган мавзуда талабаларнинг саҳналаштирилган кўрик-танлови бошланган эди. У яқинда ниҳоясига етди. Бу ташаббус талаба ва муаллимлар жамоаси ўртасида яхши таассурот қолдирди. Шу муносабат билан рўзномамизнинг махсус мухбири А. Аҳмедов институт дин тарихи ва этика-эстетика кафедрасининг катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Еқуббек Яқвалхўжаев билан учрашиб, мазкур кўрик-танловнинг натижалари хусусида бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Кўрик-танловнинг мақсади ва бу ташаббуснинг пайдо бўлиши ҳақида гапириб берсангиз?

— Гапнинг очиғи, биз кўп гапирамиз, таклиф айтамиз, ҳатто яхши ишнинг бошланиши учун тузуккина маслаҳатлар ҳам бераміз. Аммо амалий ишдан кўпинча дарак бўлмайди. Орол мавзусига бағишланган суҳбатлардан бирида «Агар Оролни гап билан тўлдириш лозим бўлса ,у тўлиб, ёнида яна бир орол ҳам пайдо бўларди», деган эди таниқли олимларимиздан бири. Ҳозир миллий анъаналаримиз, кадриятларимиз хусусида ҳам назаримда шундай бўляпти. Ҳамма маслаҳат беради, қайси қадриятларимиз қачон йўқолгани, ҳатто унинг «айбдор»лари кимлар эканлигигача айтишади, лекин амалий ишга даъват этилганида бел боғлаб майдонга чиқадиганлар ҳамиша топилавермайди. Ўйлашимча, «Ҳаёт она алласидан бошланади» деб аталган кўрик-танлов ана шундай амалий ишнинг юзага чиққан кўринишларидан бири бўлди.

Мазкур кўрикнинг мақсади институт талабалари ва муаллимларини йўқолиб бораётган анъаналаримиздан огоҳ қилиш ва шуларнинг иштирокида уни намойиш этишдан иборатдир.

Ташаббус ҳақида шуни айтиш мумкинки, институтимиз ректори Комил Юсупов йиғилишларнинг бирида ўқитувчиларга Сирдарё вилоятидаги бир мактаб клубининг саҳнасида безатилган бешикни кўргани, унинг сабабини сўраганида, мактаб директори қизларга болани бешикка белаш билан алла айтишни ўргатяпмиз, деб айтганини ҳикоя қилиб берганди. Шундай бир ният билан бу ташаббус «Ҳаёт она алласидан бошланади» деган кўрик-танлов тадбирига айланиб кетди.

— Мазкур кўрик-танловда миллий анъаналаримиз қай тарзда саҳнага олиб чиқилди?

— Олий ўқув юртидаги 12 та куллиёт мазкур кўрикда фаол қатнашди. Ҳар бир куллиёт талабалари ва муаллимлари иштирокида дунёга келган фарзанднинг маросимларини ота-боболаримиз қай тарзда нишонлаганликлари, боланинг қулоғига қандай азон айтганлиги, қандай бешикка белаганлиги айтилган аллалар ва яна бошқа хилма-хил маросимлар кенг намойиш этилди. Бундан ташқари республикамиздаги ҳар бир вилоятнинг алла маросимларидаги ўзига хосликлар ҳам ижро натижасида кўрсатилди. Талабалар томонидан намойиш этилган бу саҳна кўринишлари шу қадар жозибали бўлдики, таассуротларимни сўз билан ифода этиб беришим қийин. Уни фақат кўриш керак, холос.

— Миллий қадриятларимиз тикланишига бағишланган мазкур кўрик-танловнинг талабалар орасида қандай тарбиявий аҳамияти бўлди, деб ўйлайсиз?

— Бу кўп сийқаси чиқиб кетган анъанавий савол бўлса-да, жавоб беришга тўғри келади.

Ахир ҳамма нарсанинг «Қандай тарбиявий аҳамияти бўлди?», деган нуқтаи назар билан ёндошаверсак қилинаётган ишимизни фақат камайиши учунгина амалга ошираётганимиз шундоққина сезилиб қолади. Назаримда бундай «тикланиш»ни намойишга эмас, шунчалик ишга ҳар куни юзимизни ювиб, либос кийганимиздай заруриятга айлантиришимиз лозим. Шунда алоҳида «тарбиявий аҳамияти» ҳақида гапириб ўтирмаймиз. Ҳозирча бу иш бизда «тадбир» кўрик-танлови» тарзида ўтказилган экан, унинг тарбиявий аҳамияти ҳақида гапирмасдан иложимиз йўқ.

Энг аввало, олий ўқув юртимиз талабалари, ҳатто муаллимлари, раҳбарлар ҳам шу ишнинг қандайдир ташвишини чекиб юришди. Талабалар эса бутун вужуди билан ўз куллиётларининг яхши натижаларга эришиши учун елиб югуришди, яхши ният, яхши орзу билан банд бўлишди. Қолаверса, алла айтган қизлар, эрта-индин ўзлари она бўлишади, талабалик йилларини ёдга олиб, кўзларида ёш билан бешик тебратиб алла айтишади, ўзлари муаллима, ўқитувчи бўлишади, худди шу саҳналарни мактабга ҳам кўчирадилар. Қуръон тиловат этган йигитлар ҳам ота бўлади. вужудига сингган тиловат оҳанглари билан ўз ўғил-қизларини динимизнинг улуғ инсонийлик йўлига бошлайди. Бўлар энди, сиз сўраётган «тарбиявий аҳамият»дан кўра кенгроқ.

— Кўрик-танлови якунландими, агар шундай бўлса, унинг натижалари билан бизни таништирсангиз.

Яқинда «Тўкимачилар саройида «Ҳаёт она алласидан бошланади» кўрик-танловининг якунловчи саҳналаштирилган кўринишлари намойиш этилгач, у ниҳоясига етди. Кўрик-танловнинг натижаларига кўра, физика куллиёти биринчи ўринни эгаллади ва 1000 сўм пул мукофоти билан, иккинчи ўринни эгаллаган музика куллиёти 500 сўм пул мукофоти билан, учинчи ўринни эгаллаган ўзбекқозоқ филологияси куллиёти 300 сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, яна мазкур кўрик-танловда фаол иштирок этган талаба муаллимларнинг бир гуруҳига турли рағбатлантирувчи мукофотлар берилди.

— Шундай саҳоватли ва савоблн ишларингизда олий ўқув юрти талабалари ва муаллимларига, унинг ташаббускорларига янада катта ғайрат тилаймиз.

— Эътиборингиз учун Сизга ҳам, газета таҳририяти ижодий жамоасига ҳам раҳмат!

РЕСПУБЛИКА ЭКСТРАСЕНСЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКСТРАСЕНСЛАР АССОЦИАЦИЯСИ 1992 йил 1 августдан собиқ СССР Экстрасенслар ассоциациясига аъзо бўлган экстрасенсларни район ва вилоятлар бўйича қайта рўйхатга олиш бошланганлигини маълум қилади. Шунингдек якка тартибда ва жамоа бўлиб завод ва фабрикалар, колхоз ва совхозлар, ўрта ва олий ўқув юртлари, мактаблар ва муассасалар вакиллари Ўзбекистон экстрасенслар ассоциациясига коллектив аъзоликка қабул этилади.

Асосий мақсад атроф муҳитни тозалаш биоусулларини ўрганиш, инсон соғлигини тиклаш, асраш ва уни мустаҳкамлашдан иборат. Бунинг учун ассоциация:

1. Республикадаги барча бионур қувватига эга бўлган экстрасенс, кучларни, турли шифолаш фирмаларини, ширкатларни марказлаштириш ва уларни инсонлар саломатлигини яхшилашдек хайрли ва ягона мақсадга бирлаштиради ва рўйхатга олади.

2. Фавқулодда ноёб хислатли фенеоменларни ўрганади, аниқлайди, қобилиятли экстрасенсларни район, вилоят, республика ва чет элларда ишлашлари учун танлов ўтказади.

3. Шу йил сентябрь ойидан бошланадиган Ўзбекистонда биринчи мутахассислашган 1 ойлик экстрасенслар тайёрлов курсига ҳужжатлар қабул қилиш давом эттирилмоқда. Бионур қувватига эга бўлган мактаб ўқитувчилари ҳам курсга қабул этилади.

Курс талабалари муқаддас Қуръон оятлари, ҳазрати ибн Сино (Луқмони Ҳаким) даволаш йўриқлари, сўфийлик таълимотлари асосида ўқитилади. Дарслар малакали биолог, физик, медик, файласуф олимлар ва мутахассис экстрасенслар томонидан олиб борилади. Битирувчиларга халқаро стандартдаги диплом берилади.

Ассоциацияга аъзо бўлиш, ўқиш ва қайта рўйхатдан ўтиш учун қуйидагилар зарур:

а) Ассоциация Президенти номига ариза.
б) Аттестат, гувоҳнома, диплом ёки экстрасенслик ҳужжатидан кўчирма (2-нусха).
в) Таржиман ҳол маълумотномаси. (Экстрасенс қайси касалликларни даволашлиги ҳақидаги ишончли ҳужжатлар, мақолалар (аъзолик учун шарт эмас).
г) Соғлиги ҳақида маълумотнома (махсус формада).
д) 3×4 см. ҳажмдаги сурат (4 дона).
е) Республикада экстрасенслар аҳволи, улар ишини яхшилаш, бу соҳадаги ютуқ ва камчиликлар, таклифлар, танқидий мулоҳазалар ёзма ҳавола этилади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, 700000, Амир Темур кўчаси, 24-уй, 1-қават. Ассоциация президиуми. Телефон — 34-95-89, 34-85-01.

Муовия зафарлари. Амир Муовия ҳукмронлик қилган даврдаги воқеаларга бой бўлди. Бироқ, афсуски, ҳатто тарихчилар ҳам уларни сохта фикрларга асосланиб ёзма бошладилар. Кўпгина мусулмон тарихчилари у ҳақида аксилтараққий кучлар бани Умайяга қарши оёққа турган аббосийлар даврида ёзишга киришган эдилар. Шунинг учун ҳам ўша даврдаги воқеаларининг ёритилишида нохолислик сезилиб турарди. Аслида Муовия буюк ҳукмдор эди. Албатта, уни илгариги халифалар билан қиёслаш тўғри эмас, лекин барибир у кенг миқёсдаги давлат арбоби ҳисобланарди. У араблар империясини мустаҳкам пойдевор асосига қуришга ҳаракат қилди. Муовия маънавий раҳнамо ҳамда қиролга хос барча фазилатларга эга эмасди, лекин ғазовот урушларини қандай ўтказаётганлигини ҳамма очиқ-ойдин кўриб турарди. У Дамашқни ўз пойтахтига айлантириб, ўша ердан туриб буюк араб шайхи сифатида раҳбарлик қилди. Унинг ҳузурида иш олиб борган шайхлар кенгаши араб дунёсидаги барча ҳокимларга ҳам ана шундай кенгашлар тузишни амр қилди. Ғоят хушмуомала бу инсон гоҳида устамонликка эрк берса, гоҳида ўзининг шахсий жозибасидан фойдаланарди. У мусулмон олами бирлигига раҳна солиб келган тартибсизликлар ва норозиликларни, ҳатто хусуматларни бартараф қилди. Ижтимоий соҳада ҳам, сиёсат бобида ҳам арабларни мусулмон мамлакатларининг етакчи халқига айлантирди. Бепоён халифаликни жипслаштириб, ҳукуматни марказлаштирди. Маъмурият Византияда ғарбча услубда, форслар юртида эса шарқча иш олиб борарди. Бироқ у чегаралаш ўтказиб, халифаликни кўплаб қарам қиролликларга ажратди. Унинг Амр ибн ал-Ас ва Зиёд ибн Абиҳдек қобилиятли ҳокимлари бор эди. Абу Суфённинг канизагидан туғилган ўғли Зиёд Муовияга ўгэй ука бўларди. Вафоти арафасида Муовия ўғли Язидни ўзига ворис қилиб белгилади.

Язид (680—683 йиллар). Язид 680 йилда тахтга ўтирди. Ҳақиқатан қобилиятли бўлган шаҳзода Константинопол яқинида оғир топди. Бироқ улуғлик васвасасига мубтало бўла борди. Барча ишларда омади чопган катта одамнинг ўғли бўлганлигидан ҳеч кимни ўзига тенг кўрмасди. Бунга ажабланишга ўрин йўқ эди, чунки у кимса умавийлар давлатининг эътироф этилган халифаси, Пайғамбар ватани Макка ва у танлаган шаҳар Мадина шаҳридан бошқа ҳамма ерда исми хутбага қўшиб ўқиладиган ҳукмдор эди. Вақти келиб Язид тахтда савлат тўкиб ўтириб, ўша пайтдаги Византия шаҳзодаларига хос турмуш тарзига ружу қўйди. У ичимликни, ҳар хил давралардаги базми жамшидларни хуш кўрарди; ит боқиб, овчилик қиларди, қачон ва кимга хоҳласа уйланаверарди. Унинг бундай хулқи Ислом сипойилари қаршилигига сабаб бўлди. Улар Исломнинг икки қаҳрамонидан бири —инсонсеварлиги ва зўравонликка бўйин эгишни хоҳламагани учун жонини қурбон қилган, Ислом динига янги ҳаёт бағишлаб, муқаддас иш йўлида ҳалок бўлган Имом Ҳусайн тарихини эсга олдилар. Кўп машҳур бўлмаган кишилар ичидан чиққан Абдуллоҳ ибн Зубоир — Ойшанинг жияни ва Абу Бакрнинг набираси ана шундай қаҳрамонларнинг бири эди. У ўзини халифа деб эълон қилиб, тезда ал-Ҳижозни ва Жанубий Арабистонни босиб олди. Укаси Мусъабни Қуфанинг ҳокими қилиб тайинлади. Имом Ҳусайнни ўлимга ҳукм қилган Ироқ ҳокими Убайдулла ибн Зиёд шу фожеий воқеадан кейин бутунлай шармандa бўлди. Бу золим, қайсар ва шахсиятпараст киши фақат шафқатсизликка таяниб иш кўрарди. У ироқликлар жонига теккан бир пайтда Мусъаб ибн аз-Зубоир уларни ўзига эргашишга даъват этди ва кишилар бу чақириққа амал қилдилар.

Мадинанинг талон-тарож қилиниши. Язид кўшк эгаси бўлиб қолиши мумкин эди, лекин у лақма, ахмоқ одамлардан эмасди. Юксак парвоздан кейин таназзул ҳам бўлишини биларди. У ўз саркардаси муслим ибн Уқбоҳни қўшин билан ал-Ҳижозга юборди. Машҳур лашкарбошининг зурриёди бўлган Муслимнинг ўзи ҳам фавқулодда қобилиятли киши эди. У 683 йил 26 августда Мадина яқинида жойлашган Ҳаррақ атрофида Абдуллоҳ ибн аз-Зубоирни енгиб чиқди.

Муслимнинг қўшинлари Мадинани талон-тарож қилдилар, кейинроқ тарихчилар тасдиқлашларича, у ерда жуда кўп қон тўкилган. Бировлар гапига кириб Маккага ҳужум бошлаган Муслим ўзи йўлда вафот этди. Қўшинларга қўмондонлик қилиш қўлига ўтган Ҳусайн ибн Нумайр Маккани қамал қилди. У муқаддас шаҳарни таслим қилолмагач, ҳеч иккиланмай Каъбанинг ўзини тошбўрон эттирдики, шу қилмиши учун уни ҳақли равишда ҳалигача қойиб келадилар. Бу воқеа айни Язид вафотига тўғри келган эди.

Марван ибн ал-Ҳакам (683-685 йиллар). Язид ўрнига келган унинг ўғли Муовия II бир неча ойдан кейин оламдан ўтди. Бу халифаликни ниҳоятда ташвишга солди. Абдуллоҳ ибн Зубоир ошкора равишда ўзини Ислом ҳалифаси деб эълон қилди. Кўпчилик ҳошимийларни қўллаб-қувватлаб, уммавийларга қарши туришлари сабабли Шомда араб қабилалари ўртасида низо келиб чиққан эди. Абдуллоҳ ибн аз-Зубоир Дҳаҳҳак ибн Қайсни Фаластин ҳокими қилиб тайинлади. Дамашқда халифаликка кўрсатилган киши Усмоннинг собиқ котиби кекса Марван экан. Ниҳоятда ўткир фикрли Марван дарҳол ҳушёр тортиб, Дҳаҳҳакка қарши қўшин юборди ва Дамашқ яқинидаги Маржаҳид жангида ғалаба қозонди. Бошқа қўшинлар ўша пайтда ғалаён бўлаётган Ироққа жўнатилди. Ироқликлар Сулаймон исмли ўз сарварини топган эдилар, лекин Марван лашкарлари бу ерда ҳам устун келдилар. Марван шундан кейин узоқ яшамади. Халифаликка эришганидаёқ ёши етмишдан ошиб қолган бўлиб, раҳбарлик юки унга оғирлик қиларди. Бироқ шу лавозимда ўтказган икки йиллик ҳаётида ҳам буюк тарихий ишларни амалга ошириб, ўз ўрнига ўғли Абдул Маликни тайинлаб кетди. Улуғ подшоҳ Абдул Малик «Қироллар отаси» деган ном қозонди, чунки унинг тўртала ўғли бирин-кетин ҳалифаликка кўтарилдилар. Умавийлар тарихи моҳиятан марванийлар тарихидир.

Абдул Малик (685 — 705). Жуда қобилиятли инсон Абдул Малик ўз ҳокимлари ва лашкарбошиларини танлашни яхши биларди, моҳир ташкилотчи эди. Шунга кўра ҳам тезда давлат ишлари устидан назорат ўрната олди. Умавийлар тахти ҳали ҳам мустаҳкам эмас, деб ҳисобларди у. Шунингдек, ҳеч бир нарса кишиларга шон-шуҳрат ва манфаат кўриш умиди сингари қониқиш беролмаслигига ишонч ҳосил қилиб, бутун фикри-хаёлини ана шу икки масалага қаратди. Дастлаб икки кишини лашкарбошилик лавозимларига танлаб қўйди. Улар миннатдорчиликларини, ўзлари жалб қилинган ишлар туфайли бошқа кўплаб саркардаларни тарбиялаб вояга етказиш орқали билдирдилар. Муса ибн Нусейр ана шундайлардан бири бўлиб, уни ғарбий қўшинлар қўмондони ва Ифриқия қиролининг вазири қилиб тайинлашди. Ишончли кишилардан яна бири ал-Ҳажжож ибн Юсуфга шарқий қўшинлар қўмондонлиги ва Ироқ ҳокимлиги вазифалари топширилди.

Ал-Ҳажжож ибн Юсуф. — Маккани таслим бўлиши. Ал-Ҳажжож ибн Юсуф ҳақиқий мактаб муаллими эди. Унинг табиатидаги асосий фазилат ва раҳбарлик истеъдоди пайқалмай қолмади: у арзимас нарсада ҳам тазйиқ ўтказаверишдан ўзини тиярди. Вазифаларини қойиллатиб бажаргач, Абдулло ибн аз-Зубоир иккиланаётганлигидан фойдаланиб, ал-Ҳижоз ва Ироқни қўлга киритиш режасини ҳам муваффақиятли амалга оширди. Ал-Ҳажжож йўлини ўзгартириб, Макка томон юришга қарор қилди.

(Давоми бор).

(Боши рўзноманинг ўтган сонларида).



• Мактабгача тарбия муассасаларида

ГЎДАК КУЛГУСИДА СОЗ БОР, ЖАРАНГ БОР

Жамалак сочли Сарвиноз эргаштириб, жажжи Шоҳруҳни тоғдек елкасига ўтказиб олган ота боғчага томон юрди. Қизалоғи вижир-вижир қилиб савол кетидан савол берарди. Ота бу тугалсиз саволларга жавоб қайтаришга улгурмайди, елкасидаги тойчоғининг сочларини тортқилаётганини, ҳатто сезмайди ҳам.

— Дадажон, боғча опам рақсга тушишни ўргаяптилар, — дея товусчадек гир айланиб кўрсатади Сарвиноз. — Мен катта бўлсам рақҳоса бўламан, — дейди мунчоқдек кўзларини порилатиб.

Уларни боғча опалари очик чеҳра билан кутиб олишади. Сарвиноз отасидан кўнгил узолмай термулади. Кўзларидан мўлт-мўлт ёш томчилайди.

— Сарвиноз, яхши келдингми? Кап-катта қиз ҳам йиғлайдими! Сени қараю, бўлақол, ҳозир жисмоний тарбия машғулотини бошлаймиз, — дейди тарбиячи Махсума Усмонова.

Шоҳруҳ боғча опаси Гулбаҳор Эргашева берган ўйинчоқ машинани олади-ю, отасини ҳам унутади. Тарбиячиларнинг ширинсуханлиги, кенг феъллиги, меҳрибонлигини кўриб кўнгли хотиржам бўлган ота ҳар кунгидек ўз юмушига йўл олади.

Бу — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур район Жарариқ мавзесидаги 229-болалар тарбия масканининг кундалик ҳаётидан кичик бир лавҳа. Боғчанинг қуриб фойдаланишга топширилганига кўп бўлгани йўқ. Аммо янги бўлса-да, ота-оналар бу ерга тез ўрганишди, меҳр қўйишди. Уларнинг юзлаб жигарбанди шу ерга жойлаштирилди. Умуман боғча 480 ўринли, аммо талабнинг катталиги сабабли кичкинтойлар сони кўпчиликни ташкил этади. Ётоқхоналарга қўшимча каравотлар қўйишга тўғри келмоқда. Бу унчалик ҳам катта муаммо келтириб чиқараётгани йўқ. Негаки, ётоқхоналар кенг. Боғчада болалар кўплигининг сабаби — шу атрофда кўп қаватли иморатлар соннинг ошиб бораётгани, бу уйларда истиқомат қилаётган минг-минглаб хонадонлар яқин ва қулай бўлганлиги туфайли ўз жигарбандларини шу ерга жойлаштирганлар.

Боғчада 55 нафар педагог-тарбиячилар болажонлар билан андармон. Улар ўз билим ва меҳр-мурувватларини кичкинтойлардан дариғ тутмаяптилар. 24 та гуруҳнинг ҳаммаси етук савияли мутахассислар билан таъминланган. Маънавий юксак «боғча опалар» кичкинтойлар тарбияси билан чин дилдан машғул. Улар ўз масъулиятларини чуқур ҳис этадилар, беғубор болакайларга меҳр қўйганлар. Болаларга меҳри бор тарбиячининг қилаётган ишлари ҳам, ўйлари ҳам ўзи каби соф, оқибатли бўлади. Буни тарбия масканидаги ҳар бир тарбиячи яхши тушунади. Шунинг учун бўлса керак, боғчада тарбиявий ишлар намунали йўлга қўйилган. Давр зарурати ҳисобланган боғчаларни миллийлаштириш масаласи шунчаки гап эмас ёки бу юмуш қоғозда қолаётгани йўқ. Мазкур боғча тимсолида амалий ишлар олиб борилмоқда. Тарбиявий соатлар ва машғулотларнинг барчаси ўзбек тилида юритиляпти.

Аммо ўрни келганда айтиб ўтиш жоиз, боғчани қўздан кечирар эканмиз, унинг қурилишида миллийликка умуман эътибор берилмаганлигининг шоҳиди бўлдик. Қўш қаватли типовой боғча оврупоча услубда бунёд этилган. Ваҳоланки, миллий ўзбек боғчаси миллий услубда қурилса, ундан ўзбекистонликларга хос белги сезилиб турса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Тарбия маскани пештоқига «Хуш келибсиз» деган сўз араб тилида ёзиб қўйилибди. Боғча мудираси Ойниса Солиҳова билан гуруҳларни айланиб чиқдик. Янги нарса, янги-да! Бино хоналари ҳам кўзни қамаштиргудек оппоқ, силлиқ, тароватли. Ҳар бир жиҳоз, ўйинчоқлар — ҳамма-ҳамма нарса янги, соз!

Гуруҳлардан бирида қизалоқларнинг рақсга тушаётгани устидан чиқдик. Бу «алоҳида раққосалар» гуруҳи экан. Бу гуруҳга рақс тушишга иқтидори, майли бўлган кичкинтойлар қабул қилинади. Мудиранинг гапига қараганда бундай иқтидорли болалар гуруҳини кўпайтириш ниятлари бор. Кичкинтойлар ётоқхонаси ҳам айни кўнгилдагидек. Хоналардаги саранжом-саришталик кўзни қувонтиради.

— Озиқ-овқат масаласи ҳал этилган, бизда бу борада муаммо йўқ, — дейди мудира.

Тарбиявий, ташкилий ишларга эътиборни қаратдик. Машғулотларнинг ранг-баранг ўтказилаётгани, боғчада ишларнинг режа асосида ташкил этилганлиги, педагогик жамоа ўртасидаги аҳиллик кундалик ҳар бир ишда самара бераётгани сезилади. Хуллас, бу жой боғчамисан-боғча эди. Аммо ростини айтиш жоиз, у ҳали янги, намунали тарбия масканн бўлиши учун яна бироз меҳнат ва вақт зарурлиги кўриниб турибди...

Шарофат ИСКАНДАР қизи, махсус мухбиримиз.

Суратда: боғча ҳаётидан лавҳалар.

Суратқаш: Р. АЛЬБЕКОВ.

МАКТАБ ҚОШИДА ЛАГЕРЬ

Фарғона вилоятининг Сўх районида кўплаб оромбахш маконлар мавжуд. Уларнинг мусаффо ҳавоси-ю зилол сувлари, айниқса, ёзнинг жазирамасида кишига роҳат бахш этади.

Ўша сўлим жойларда ўқувчиларнинг ёзги таътил кунлари қандай ташкил қилинганлигини билиш ниятида район халқ таълими бўлими мудири Орифжон Мустафоевга учрашдик.

— Ноҳиямиз мактабларида вилоят раҳбарлари билан келишган ҳолда лагерлар ташкил қилганмиз. Бунга асосий ёрдамни вилоят касаба уюшмаси бермоқда. Шунингдек, ўтган йили қиш пайтида ҳам бу лагерларимизда 700 нафар бола дам олди. Айни кунларда эса 1450 нафар ўқувчи ҳордиқ чиқаряпти. Болаларнинг ювқатланиши учун уларнинг ҳар бирига кунига ўртача 15 сўм миқдорида пул ажратилган...

Мактаб қошида ташкил этилган лагерга борганимизда ўқувчилар розода, саранжом-саришта, чиройли дид билан безатилган хоналарда дам олишаётганди. Оромгоҳда қандай тадбирлар ўтказилиши билан қизиқдик.

— Бўлинмаларда турли хил мусобақалар, танловлар, кечалар уюштириб турамиз, ғолиблар ўз вақтида тақдирланаётир, — деди О. Мустафоев, И. Абдувалиев, Н. Эгамов, Қ. Тожиев раҳбарлик қилаётган гуруҳлар ҳар бир тадбирда ташаббускорликни қўлдан беришмаётир. Район вилоятда янги ташкил қилинганлиги сабабли қилиниши керак бўлган ишлар ҳали талайгина. Албатта, барининг уддасидан чиқамиз.

Ф. МУРОДОВА.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Маҳкам РАҲМОНОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г—300 ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 19.30. тираж 33628.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12